

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 33:658.628(575.1)

ХОЛОВ ЖАСУР МАҲМУДОВИЧ

**Глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига
интеграциялашуви ва диверсификациялаш жараёнларини
кенгайтиришнинг асосий йўналишлари**

**(Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар
ва савдо вазирлиги мисолида)**

5А 340101 – “Иқтисодий назария”

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

диссертация

Илмий раҳбар:

и.ф.н., доц. Р.А. Юсупов

Тошкент – 2011

Магистрлик диссертация иши “Иқтисодиёт назарияси” кафедрасида
дастлабки ҳимоядан ўтган.

_____ -сонли баённома « ____ » _____ 2011 йил

Илмий раҳбар: _____
(сана) (ф.и.ш.) (имзо)

Магистр: _____
(сана) (ф.и.ш.) (имзо)

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	2
1-БОБ. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....	11
1.1. Халқаро иқтисодий интеграция тўғрисидаги турлича назарий қарашлар...	
1.2. Халқаро иқтисодий интеграциянинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар.....	11
1.3. Миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви ва диверсификациялаш жараёнларини кенгайтиришнинг услублари.....	32
2-БОБ. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....	40
2.1. Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий интеграция жараёнларида иштирок этиши.....	40
2.2. Халқаро иқтисодий интеграцияни кенгайтиришда ташқи иқтисодий сиёсат ва иқтисодий алоқаларнинг ривожлантириш йўналишлари.....	46
2.3. Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви ва диверсификациялаш даражасининг асосий кўрсаткичлари ҳолати таҳлили.....	56
3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯНИ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ.....	67
3.1. Халқаро валюта-кредит муносабатларини ривожлантириш иқтисодий интеграцияни ривожлантиришнинг устувор йўналиши сифатида.....	67
3.2. Хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштриш иқтисодий интеграцияни ривожлантиришнинг устувор йўналиши сифатида.....	72
3.3. Глобаллашув шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни ва иқтисодиётни диверсификациялашни кучайтириш истикболлари.....	76
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	89
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	94

Кириш

Мавзунинг долзарблиги: Маълумки мамлакатимиз истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ ташқи иқтисодий сиёсат борасидаги ислохотларини жадал ривожлантиришни самарали йўлга қўйишга киришди ва шундан келиб чиқиб ушбу борадаги меъерий ҳуқуқий баъзани яратди. Глобаллашув шароитида мамлакатларнинг ўзаро турли соҳаларда интеграциялашуви жараёни жадал кечади ва у республикалар тараққиёти омили бўлиб хизмат қилади. Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичи глобаллашув жараёнларининг жадал ривожланиши орқали тавсифланади. Глобаллашувни иқтисодий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, у жаҳон хўжалигининг бутун маконини қамраб олувчи иқтисодий муносабатлар тизимининг ташкил топиши ва ривожланишини англатади. Ушбу жараёнга эса мамлакатларнинг ўзаро интеграциялашуви асос бўлиб хизмат қилади. Айниқса, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув мамлакатимизга хорижий инвесторларни жалб қилишда муҳим рол ўйнайди, чунки олиб қарайдиган бўлсак ташқи иқтисодий фаоллик мамлакатни инвестицион жозибадорлигини оширади. Шу ўринда президентимизнинг қўйидаги мулоҳазаларини келтиришни ўринли деб ўйлайман – “Ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган яна бир муҳим устувор йўналиш — чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, хорижий инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратишга улкан эътибор қаратаётганимизни алоҳида қайд этмоқчиман. Ўзбекистонда инвесторлар учун, айтиш мумкинки, кўп жиҳатдан беқиёс, ўта қулай инвестицион муҳит, имтиёз ва преференциялар тизими яратилган, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ортиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир. Халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан тузилган шартнома ва битимлар асосида 2011 йилда иқтисодиётимизнинг реал секторига 3 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киритиш кўзда тутилмоқда. Шунини таъкидлаш керакки, бу маблағнинг 2 миллиард 200 миллион доллардан

ортиғи ёки 73 фоиздан зиёдини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этади. Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ҳисобидан иқтисодиётимизнинг кўплаб тармоқларида 70 тадан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланмоқда.”¹ Интеграциялашув жараёнларининг кенгайиши жаҳон мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг янада такомиллашувига олиб келади. Мамлакатларнинг иқтисодий ҳолати уларнинг нафақат, ички омилларига, балки шу билан биргаликда ташқи омилларга ҳам боғлиқ бўлади. Муҳтарам президентимиз айтганларидек «XXI аср шубҳасиз, халқаро муносабатларда бутун дунё камраб оладиган аср бўлди. Бундай шароитда интеграция жараёнини, халқаро институтлар ва ташкилотларда суверен давлатларнинг иштирок этишини кенгайтириш жараёнини фақат тарих тоқозоси деб эмас, балки иайрим минтақалар кўламида ҳам, шунингдек, умуман – бутун сайёрамиз кўламида ҳам собитқадамлик барқарорликнинг қудратли омили деб ҳисобламоқ зарур».²

Дунёда глобаллашув жараёнлари шударжада жадал кечмоқдаки, баъзи мамлакатларнинг ўзаро зиддиятлари мавжудлигига қарамасдан айрим ҳолларда уларнинг биргаликда ҳамкорликда ишлашга мажбур қилмоқда, акс ҳолда жаҳон цивилизациясидан орта қолиш каби ҳолатларга олиб келиши мумкин. Ҳозирги шароитда мамлакатлар ўртасида ўзаро алоқаларнинг ривожланиши ҳар бир мамлакатнинг миллий иқтисодиётини ривожланишига таъсир кўрсатади. Уларни ҳисобга олиш ҳар бир давлатнинг самарали ташқи иқтисодий сиёсат юритишининг зарур шартига айланиб қолди. Мамлакат Президенти Ислам Каримов ташқи иқтисодий алоқалар муаммосига диққат-эътиборни қаратиб қуйидагича таъкидлаган эди: «Шу нарсани қайта-қайта такрорлашга тўғри келмоқда: Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий

¹ “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь, № 16 (5183).

² И.А. Каримов Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. 1997. 298-бет.

тизими билан интеграциялашувига эришмасдан туриб, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтирмасдан ва мустаҳкамламасдан туриб, энг муҳими хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этмасдан туриб... банк ва молия соҳаларида, реал иқтисодиётда, биринчи галда етакчи тармоқларда чет эл капиталининг иштирокини кенгайтирмасдан туриб, иқтисодиётимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш қийин».³

Айни вақтда дунёда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг маълум босқичлари давом этаётган бир шароитда, мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ўзининг маъно-мазмуни жиҳатидан олдинги босқичлардан кескин фарқ қилади. Бунда энг асосий ва муҳим жиҳат – миллий иқтисодиётларнинг тобора интеграциялашуви ва глобаллашувининг кучайиб боришидир. Айни пайтда бу жараёнлар халқаро майдондаги рақобатнинг ҳам кескинлашувига, ҳар бир мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашининг кучайишига ҳам таъсир кўрсатади.

Лекин, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув ва глобаллашувнинг ижобий томонлари билан бир қаторда маълум зиддиятли жиҳатлари ҳам мавжуд. Жумладан, турли мамлакатлардаги иқтисодий ривожланишнинг бир текисда бормаслиги, дунё мамлакатлари ўртасида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жиҳатидан тафовутнинг, экологик таҳдидларнинг кучайиб бориши, турли мамлакатларда аҳоли сони ўзгаришининг кескин фарқланиши каби ҳолатлар жаҳон хўжалигининг яхлит тизим сифатида барқарор ривожланишига тўсқинлик қилади. Шунингдек, мазкур жараёнларининг яна бир хусусиятли жиҳати – жаҳоннинг бир мамлакатидан рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ларзаларнинг муқаррар равишда бошқа мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиши ҳисобланади. Жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда бошидан кечираётган молиявий инқироз ҳам айнан шу маънода глобаллашув жараёнларининг салбий оқибати сифатида намоён бўлади.

³ И.А. Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.: "Ўзбекистон, 8-жилд. 2000 й, 365-366-бетлар.

Маълумки, ҳозирги замон иқтисодиёти глобал хусусиятга эга бўлиб, кичик ёки катта миллий иқтисодиётлар мажмуидан иборат. Уларнинг ҳаммаси узилмас ришталар билан боғланган ва бир-бирларини тўлдириб туради. Ҳозирги дунёда экстраналиялар, яъни ижобий ёки салбий ташқи таъсирларга учрамаган иқтисодиётлар йўқ.

Президентимиз И.А.Каримов шундай таъкидлайдилар: «Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Бунинг тасдиғини ташқи дунё билан алоқаларимиз тобора кенгайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар кўмагида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларнинг амалга оширилаётганида, Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимига интеграциялашувида, маҳсулот ва товарлар импорти ва экспортининг ўсиб боришида ва бошқа мисолларда яққол кўришимиз мумкин.

Шу боис глобал молиявий инқироз ва биринчи навбатда унинг оқибатлари иқтисодиётимизнинг ривожланиши ва самарадорлик ҳолатларига таъсир этаётганидан кўз юмиб бўлмайди»⁴. Шунга кўра «Биз мамлакатимизнинг халқаро ва минтақавий интеграциялашув жараёнларида иштирок этишда, жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг таъсирини ҳар томонлама ҳисобга олишимиз, иқтисодий ривожланиш дастурларини ушбу жараёнлар таъсири нуқтаи назаридан шакллантиришимиз ва уларни изчил амалга оширишимиз тақозо этилади».⁵

Юқорида айтиб ўтилган фикрлардан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда жадал бозор ислохотлари амалга оширилаётган бир даврда, уни жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини ва глобллашув жараёнларининг ажралмас бир қисми бўлишини таъминлаш мамлакат

⁴ И.А. Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари». –Т., «Ўзбекистон», 2009. 11-12-бетлар.

⁵ Г.Ғ. Назарова ва бошқ. «Халқаро иқтисодий интеграция» дарслик. Тошкент-2010 Тафаккур. 4-бет

ривожининг кафолатидир. Шу боисдан мазкур диссертацион иш ҳар томонлама долзарб ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Миллий иқтисодиётнинг ривожланишига интеграция ва глобаллашув жараёнларининг таъсирини ўрганиш доимо иқтисодчи олимларнинг диққат марказида бўлиб келган.

Кўплаб олимлар томонидан жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида макроиқтисодиёт, миллий иқтисодиётни байналминаллашуви, халқаро меҳнат тақсимоти, иқтисодий интеграция, жаҳон хўжалигининг глобаллашуви ва унинг миллий иқтисодиётнинг ривожланишига таъсири ва бошқа муаммолар хусусидаги илмий изланишлар эътиборга молийдир.

Иқтисодий интеграциянинг назарияси ва амалиёти тадқиқоти IAN Clark, Barraix R., Urwin D., Allen J., Scott, M.Cini, I.Mc. Gowan, V.Cable, R.A каби хорижий олимларнинг асарларида ўз аксини топган. Уларнинг асарларини ўрганиб чиқиш «Иқтисодий интеграция миллий иқтисодиётларнинг иқтисодий ўсишига таъсир кўрсатувчи динамик ривожлантирувчи жараён»⁶ деган хулосага келиш имконини беради. Иқтисодий интеграция ва глобаллушни Россиянинг А.Белорусов, Б.Болотин, В.Соколов, А.Солоницкий, И. Спиридонов, А.Некlessа, А.Киреев, А. Холопов, Р.Хасбулатов, А.Эльянов, Ю.Юмашев сингари олимлари ва мутахассисларининг асарларида тадқиқ этилган. Кўпчилик россиялик олимларнинг фикрига кўра «интеграцияга доир кўплаб тадқиқотлар уни ривожлантиришнинг ижобий самараси кўп ҳолларда бошқа самаралардан устунлик қилишини кўрсатади».⁷

А.Алимов, Д.Аҳмедов, Ш.Орифхонов, С.Ғуломов, О.Ҳикматов, Г.Каримова, И.Искандаров, Г.Назарова, А.А.Бедринцев, Р.Х. Шодиев каби Ўзбекистон олимларининг асарлари жаҳон интеграцияси шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш масалаларига бағишланган.

⁶ Globalization and Global Governance. Wellington House, London 2000, p.26, A.J.Scott, Regions and world economy, Oxford University Press, England 2000, p.49

⁷ А.Киреев. “Международная экономика” Москва 2001, стр. 378

Г.И.Каримова, А.Расулов, А.Исожонов сингари олимларнинг асарларида жаҳон глобаллашуви шароитларида иқтисодий интеграциялашувнинг замонавий тенденциялари тадқиқ этилган. Бироқ, мазкур муаммонинг турли жиҳатларига бағишланган илмий тадқиқотлар кўплаб учрасада, миллий иқтисодиётнинг ривожланишига глобаллашув жараёнларининг таъсири, глобаллашув шароитида халқаро иқтисодий интеграция амал қилишини назарий асослари ва уни кучайтиришнинг асосий йўналишлари ҳали етарли тадқиқ этилмаган.

Бизнинг диссертация ишимизда юқорида тадқиқ этилмаган масалаларга кўпроқ эътибор қаратилган.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади бўлиб миллий иқтисодиёт ва унинг ривожланишига интеграциялашув жараёнларининг назарий асослари, уни амал қилиш ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига кириб бориши, халқаро иқтисодиётни диверсификациялашни кучайтиришнинг асосий йўналишларини тадқиқ этиш ҳисобланади, ҳамда республика умумиқтисодий фаолиятида ташқи иқтисодий фаолиятни тутган ўрнини аниқлаш ва ҳозирги жаҳон молиявий, иқтисодий шароитидаги ҳолатини ҳамда таркибини ўрганиб таҳлил қилган ҳолда миллий иқтисодиётимизда бу борада келажакда амалга ошириладиган чора ва тадбирларни излашдан иборатдир.

Мазкур мақсадга эришишда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилади:

- миллий иқтисодиёт ривожланишига глобаллашув жараёнларининг таъсири борасидаги турлича назарий қарашларни ўрганиш;
- халқаро иқтисодий интеграция тўғрисидаги турлича назарий ёндошувларни таҳлил қилиш асосида уларнинг глобаллашув шароитига мувофиқлик даражасини ўрганиш;
- глобаллашув шароитида халқаро иқтисодий интеграциянинг амал қилиш тамойиллари ва хусусиятларини очиб бериш;

- глобаллашув шароитида ташқи иқтисодий фаолиятга ва иқтисодий интеграцияни кучайтиришга таъсир қилувчи омилларни ўрганиш ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- Глобаллашув шароитида ташқи иқтисодий муносабатларни диверсификациялаш тамойилларини ишлаб чиқиш

- Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиб уни янада ҳар томонлама кенгайтириш ва чуқурлашуви борасида тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати ҳисобланади.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланишига ташқи иқтисодий фаолиятни диверсификациялашнинг таъсири ва халқаро иқтисодий интеграция тўғрисидаги турли назариялар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий методологик асосини Ўзбекистон Республикасининг миллий иқтисодиётини ривожлантириш, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришга оид қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иқтисодиётни эркинлаштириш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш муаммоларига ҳамда «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари»га бағишланган асарлари ва фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг ушбу муаммога бағишланган илмий ишлари ташкил этади. Тадқиқот олдига қўйилган масалаларни ҳал этиш учун илмий абстракция, киёсий таҳлил, ҳисоб-таҳлил, гуруҳлаштириш, график усуллардан кенг фойдаланилди. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат Статистика қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк қўмитаси, Ўзбекистон ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий асарлари, диссертация ишлари ахборот базаси бўлиб хизмат қилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқот ишининг илмий янгилиги бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- миллий иқтисодиётни ривожланишига интеграциялашув жараёнларининг таъсири турли илмий-услубий ёндошув ва таърифларни таҳлил қилиш асосида очиб берилди ва бу борада айрим тавсиялар ишлаб чиқилди;

- иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг ва диверсификациялашнинг истиқболлари борасида тавсиялар ишлаб чиқилган;

- халқаро меҳнат тақсимоотида республикамиздаги афзалликларни тўғри баҳолаш ва улардан самарали фойдаланиш борасида тавсиялар берилган;

- халқаро интеграция натижасида жаҳон иқтисодиётига киришнинг афзалликлари таҳлил қилиниб бу жараённи янада ривожлантириш борасида тавсиялар ишлаб чиқилган;

- экспорт базасини ривожлантириш ва уни кенгайтириш билан бир каторда импорт ўрнини эгаллаш сиёсатини олиб бориш борасида тавсиялар берилган;

- халқаро иқтисодий интеграция жараёнларида иштирок этиш ҳамда хорижий инвестицияларни мамлакатнинг муайян минтақаларига фаол жалб этишга қаратилган эркин иқтисодий ҳудудларни, қулай инвестицион муҳитни яратишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган;

- глобаллашув жараёнларининг ҳозирги шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланишида рўй бераётган сифат жиҳатидан янги бўлган ташқи иқтисодий муносабатлар таҳлил қилиниб бу борада тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ва татбиқи. Тадқиқот жараёнида умумлаштирилган назарий хулосалар ва Амалий тавсиялар мамлакатимизда миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг стратегик концепциясини ишлаб чиқишда, мутасадди муассасаларнинг дастурий ва ташкилий фаолиятида кенг қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертацион тадқиқот жараёнида олинган баъзи бир илмий натижалар магистрант томонидан эълон қилинган илмий мақолада ўз ифодасини топган.

Диссертация ишининг тузилиши. Диссертация кириш, 3 та боб, 9 та банд, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

1-БОБ. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Халқаро иқтисодий интеграция тўғрисидаги турлича назарий қарашлар.

Халқаро иқтисодий интеграциянинг ривожланиши алоҳида олинган давлатларни халқаро хўжалик алоқаларига мунтазам равишда жалб этишга олиб келади, бу эса ягона жаҳон иқтисодиётини барпо этишга имкон яратади. Дунёдаги барча мамлакатлар умумий иқтисодий қонунларга кўра ривожланади, улар халқаро муносабатлар иқтисодий характерининг устувор бўлишини шартлайди. Хусусан, глобаллашув шароитида жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнини амалга ошириш мамлакат келажагини, иқтисодиёт ривожини таъминловчи муҳим омил бўлиб ҳисобланади. **Глобаллашув** (лотинчи globus – ер курраси) – бу жаҳон хўжалигининг бутун маконини қамраб олувчи иқтисодий муносабатлар ягона тармоғининг ташкил топиши ва ривожланишидир. Унинг қуйидаги 4 та асосий йўналишлари қуйидагилардир:

Биринчи йўналиш – мулкчилик муносабатларининг глобаллашуви. Ҳозирда мулкий ўзлаштиришнинг мамлакатлар ҳудудидан четга чиқувчи, кўплаб давлатларнинг иштироки асосида рўй берувчи кўринишлари амал қилмоқда. Буларга трансмиллий корпорациялар (ТМК), шунингдек ТМКнинг халқаро бирлашмаларини мисол келтириш мумкин.

Европа иттифоқи тажрибаси шуни кўрсатадики, минтақавий интеграциялашув миллий тузилмалардан юқори турувчи органларни таркиб топтириши мумкин. Бу органлар ЕИга аъзо давлатларнинг мулкчилик муносабатларини ҳам маълум даражада тартибга солади.

Иккинчи йўналиш – кооперация ва меҳнат тақсимотининг нисбатан юқори даражасига ўтиш. Юқори даражада ривожланган мамлакатлар ҳозирги замон мураккаб меҳнат кооперациясига хос бўлган хўжалик ўзаро

алоқаларининг жуда катта тармоғига киришиб кетганлар. Энг мукаммал техника воситаларини яратишда турли мамлакатлардан етказиб берилувчи кўплаб бутловчи қисмлардан фойдаланилади. Масалан, АҚШ “Боинг” самолётини ишлаб чиқаришда бутловчи қисм ва деталларни мингга яқин хорижий фирмалардан олади.

Учинчи йўналиш – хўжаликни ташкил этишнинг бутунлай янги шакллариининг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Ахборот тарқатишнинг глобаллашуви жараёнлари:

а) бутун жаҳонни тўлиқ компьютерлаштиришни тақозо этувчи глобал ахборот тизимларининг (Интернет сингари) янада ривожланиши;

б) сунъий йўлдошлар имкониятларидан фойдаланиш орқали таъминланувчи глобал алоқага ўтиш;

в) инсониятнинг очик ахборотлашган жамият томон интилиши;

г) Интернет орқали савдо тизимининг кенг ривожланиши. Жаҳонда хўжалик алоқаларини ташкил этиш шакллариининг тубдан ўзгариши кўп жихатдан ахборот тарқатишнинг глобаллашуви билан боғлиқ. Жумладан, янги асримизнинг дастлабки даври учун қуйидаги жараёнлар хос бўлади: а) бутун жаҳонни тўлиқ компьютерлаштиришни тақозо этувчи глобал ахборот тизимлари (Интернет сингари) янада ривожланади; б) сунъий йўлдошлар имкониятларидан фойдаланишнинг янги тизими уяли телефон алоқасидан йўлдошлар орқали таъминланувчи глобал алоқага ўтиш имконини беради; в) инсоният очик ахборотлашган жамият томон интилади; г) Интернет орқали савдо тизими кенг ривожланади.

Тўртинчи йўналиш – халқаро иқтисодий ташкилотларни тартибга солувчи ролининг ривожланиши.

Жаҳон хўжалиги субъектларининг ўзаро алоқаси ҳамда ўзаро боғлиқлигининг кенгайиши ва кучайиши глобал муаммоларни ҳал этишда тобора кўпроқ давлатларнинг иштирок этишини тақозо этади. Бу муаммоларнинг мураккаблашуви уларнинг ўз вақтида ва тезкорлик билан ҳал этилишида ҳукуматлараро ва ноҳукумат (ишлаб чиқарувчилар, компаниялар

ва фирмалар, илмий жамиятлар ва бошқа ташкилотларнинг бирлашмалари) халқаро иқтисодий ташкилотларининг фаолиятини заруриятга айлантиради.⁸

Халқаро иқтисодий интеграция жараёнларини тадқиқ этиш, унда вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этиш ва мазкур жараённинг энг самарали шакллари кўрсатиб беришга интилиш бу борадаги турли назарияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига олиб келди. Бундай назариялар қаторида неолиберализм, корпорационализм, структурализм, неокейнсчилик, дирижистлик йўналиши кабиларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Эрта **неолиберализм** (1950-1960 йиллар) вакиллари В.Репке ва М.Аллэ тўлиқ интеграция деганда бир неча мамлакатлар миқёсида ягона бозор маконининг ташкил этилишини тушуниб, бу маконда эркин рақобат ва бозорнинг стихияли кучлари амал қилиб, давлат сиёсати унга ўз таъсирини ўтказа олмайди. Бу олимларнинг фикрича, халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасига давлатнинг аралашуви инфляция, халқаро савдо ва тўлов нисбатларининг бузилиши каби салбий ҳолатларни келтириб чиқаради.

Бироқ, давлат иштирокидаги минтақавий давлатлараро иттифоқларнинг шаклланиши асосидаги халқаро иқтисодий интеграциянинг ривожланиши эрта неолибералларнинг фикрининг асоссиз эканлигини кўрсатди. Шунга кўра, кейинги неолиберализм вакили Б.Баласс иқтисодий интеграция давлатнинг иқтисодий ҳаётдаги иштирокининг фаоллашувига олиб келишини тадқиқ этди.

Корпорационализм (намояндалари С.Рольф, Ю.Росту) XX асрнинг 60-йилларида пайдо бўлиб, бозор механизми ва давлат томонидан тартибга солишга қарама-қарши ҳолда трансмиллий корпорацияларнинг фаолият кўрсатиши халқаро иқтисодиётнинг интеграциялашувини, унинг рационал ва мувозанатли ривожланишини таъминлашга қодирлиги тўғрисидаги ғояларни илгари сурди.

⁸ Шодмонов Ш.Ш., Ғафуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. –Т.: «Иқтисод ва молия», 2010. 650-652-бетлар.

Структурализм (асосий вакили Г.Мюрдаль) йўналиши тарафдорлари товарлар, капитал ва ишчи кучи ҳаракатининг тўла либераллашуви ғоясига қарши чиқиб, бозор механизмнинг эркин амал қилиши ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва жойлашувида маълум номутаносибликларни, даромадлардаги тенгсизликнинг чуқурлашувини келтириб чиқаради, деб ҳисоблайдилар. Бу оқим вакиллари иқтисодий интеграцияга интеграциялашаётган мамлакатлар иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришларнинг чуқур жараёни сифатида қараб, бунинг натижасида сифат жиҳатидан янги интеграциялашган макон, нисбатан такомиллашган хўжалик организи пайдо бўлишини таъкидлаганлар.

Неокейнсчилик (асосий вакили Р.Купер) йўналиши халқаро иқтисодий ҳамкорликнинг марказий муаммосини мамлакатларнинг эркинлигини максимал даражада сақлаб қолган ҳолда интеграция жараёнларидан олинган турли-туман нафликни кўпайтиришга асосий эътибор қаратган. Неокейнсчилар халқаро интеграцияни ривожлантиришнинг мумкин бўлган иккита вариантини илгари сурдилар: биринчиси – иқтисодий мақсад ва сиёсатни мувофиқлаштирган ҳолда миллий эркинликни йўқотиш асосидаги интеграция; иккинчиси – миллий мусатқилликни имкон қадар сақлаб қолиш шартига асосланган интеграция. Бу вариантларнинг ҳеч бири соф ҳолда мавжуд бўлмаслигини англаган ҳолда, улар интеграциялашувчи томонларнинг ички ва ташқи сиёсатларини мувофиқлаштириш йўли билан бу вариантларни уйғунлаштириш зарурлигини кўрсатганлар. Неокейнсча йўналишнинг яна бир кўриниши **дирижизм** (асосий вакили Я.Тинберген) бўлиб, унинг намояндалари интеграция жараёнларида бозор механизмнинг ҳал қилувчи ролини инкор этадилар. Улар халқаро иқтисодий тузилмаларнинг ташкил этилиши ва амал қилиши интеграциялашаётган мамлакатлар томонидан умумий иқтисодий сиёсатнинг ишлаб чиқиши, социал қонунчилик бўйича келишув, кредит сиёсатининг мувофиқлаштирилиши асосида амалга оширилиши мумкин деб ҳисоблайдилар.⁹

⁹ Шодмонов. Ш.Ш., Ғофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент-“Иқтисод-молия”-2010 й. 663-664 б.

Юқоридаги турли-туман назарияларнинг умумий тавсифи шуни кўрсатадики, уларнинг ҳар бири халқаро иқтисодий муносабатларнинг маълум жиҳатларини очиб беришга, бу борадаги муаммоларни ҳал этиш ва янги ғояларни ривожлантиришга қаратилган. Мазкур назарияларнинг тўғри ва илмий асосланган томонларидан фойдаланган ҳолда халқаро иқтисодий муносабатларни янада такомиллаштиришга интилиш иқтисодчи олимлар олдидаги муҳим вазифалардан ҳисобланади. Юқорида келтирилган турлича назарияларни таҳлилини умумлаштиришга ҳаракат қиламиз.(1.1-жадвал)

Халқаро иқтисодий интеграция тўғрисидаги назарияларнинг асосий йўналишлари, намояндалари ва қисқача мазмуни¹⁰

Йўналишлар	Асосий намояндалари	Қисқача мазмуни
Неолиберализм	В.Репке, М.Аллэ, Б.Баласс	- тўлиқ интеграция – бу бир неча мамлакатлар миқёсида ягона бозор маконининг ташкил этилиши; - бу макондаги эркин рақобат ва бозорга давлат сиёсати ўз таъсирини ўткази олмайд; - халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасига давлатнинг аралашуви салбий ҳолатларни келтириб чиқаради.
Корпорационализм	С.Рольф, Ю.Ростоу	- трансмиллий корпорацияларнинг фаолият кўрсатиши халқаро иқтисодиётнинг интеграциялашувини, унинг рационал ва мувозанатли ривожланишини таъминлайди.
Структурализм	Г.Мюрдаль	- интеграциялашув – мамлакатлар иқтисодиётидаги чуқур таркибий ўзгаришлар жараёни бўлиб, унинг натижасида сифат жиҳатидан янги интеграциялашган макон, нисбатан такомиллашган хўжалик организми пайдо бўлади.
Неокейнсчилик	Р.Купер	- мамлакатларнинг эркинлигини максимал даражада сақлаб қолган ҳолда интеграция жараёнларидан олинмаган турли-туман нафни кўпайтириш лозим.
Дирижизм	Я.Тинберген	- интеграция жараёнларида бозор механизмининг ҳал қилувчи роли инкор этилиб, халқаро иқтисодий тузилмаларнинг ташкил этилиши ва амал қилиши интеграциялашаётган мамлакатлар томонидан умумий иқтисодий сиёсатнинг ишлаб чиқиши, социал қонунчилик бўйича келишув, кредит сиёсатининг мувофиқлаштирилиши асосида амалга оширилиши мумкин деб ҳисобланади.

¹⁰ Жадвал диссертант ишланмалари асосида тузилган.

Халқаро иқтисодий интеграциянинг кўринишлари шу қадар кўплиги боис, ушбу тушунчани изоҳлашдаги мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан иқтисодий интеграция тушунчасини изоҳлашда қарашларнинг ҳам турлича бўлишига сабабчи бўлган.

Халқаро иқтисодий интеграция – бу турли мамлакатлар иқтисодий алоқаларининг барқарорлашиб, чуқурлашиб ривожланиши, улар хўжаликларининг чамбарчас бирлашиш жараёнларидир¹¹. Микродаражада бу жараён ҳудуд жиҳатдан яқин жойлашган мамлакатлар алоҳида фирмаларининг ўзаро таъсири орқали, улар ўртасидаги турли туман иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши, шу жумладан чет эллардаги филиалларини ташкил этиш асосида боради. Давлатлараро даражада интеграция давлатлар иқтисодий бирлашмаларининг шаклланиши ҳамда иқтисодий сиёсатларнинг келишуви асосида амалга ошади.

Халқаро иқтисодий интеграция моддий, молиявий, заковат бойликларининг мамлакатлар ўртасидаги алмашилишининг турли йўналишлари, шакллари ва воситаларини ифодаловчи яхлит тизимдир. Бу исталган мамлакат иқтисодиётидаги энг мураккаб соҳа бўлиб, ўз ривожланиши учун атрофлича ёндашишни тақозо этади. Шунингдек, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув, Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари билан ташқи иқтисодий алоқалар ўрнатилиши орқали ҳам номоён бўлади.

Ташқи иқтисодий алоқалар — бу халқаро хўжалик, савдо, ахборот муносабатлари бўлиб, мазкур муносабатлар товар айирбошлаш, иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорликнинг турли шакллари, ихтисослашув, ишлаб чиқариш кооперацияси, қўшма тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш, валюта ва молия-кредит операцияларини амалга оширишни таъминлайди¹².

Шунингдек, ташқи иқтисодий алоқалар — бир аниқ мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан халқаро меҳнат тақсимоти, фан ва ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ҳамда бошқа омилларга асосланган ишлаб

¹¹ Шодмонов. Ш.Ш., Ғофуров У.В. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент-“Иқтисод-молия”-2010 й. 665 б.

¹²Прокушев Е.Ф. Внешнеэкономическая деятельность. Учебник. М.: Издательско-торговая корпорация «Дашковики К°» 2006, 5-бет.

чиқариш, савдо ва бошқа хил муносабатларидир. Ташқи иқтисодий фаолият эса ташқи иқтисодий алоқаларни рўёбга чиқариш жараёнидир¹³.

Халқаро иқтисодий интеграция жараёнлари шитоб билан ривожланиб бораётган хозирги даврда мамлакатда самарали ташқи иқтисодий фаолият олиб бориш, ривожланган мамлакатлар билан иқтисодиётнинг етакчи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоқларида ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, рақобатбардош миллий махсулотлари, турли кўринишдаги хизматлари билан дунё бозорларини забт этиш ҳар бир давлатнинг бош мақсади ҳисобланади.

Халқаро иқтисодий интеграция халқаро меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқариш ва фанни ихтисослаштириш, хўжалик ҳаётини байналминаллаштириш жараёнидан объектив равишда келиб чиқади. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг шаклланиши ва ривожланиши алоҳида олинган мамлакатларнинг ўзаро алоқалари ва бир-бирига боғлиқлигининг кучайиши билан белгиланади. Дунёдаги турли мамлакатларда иқтисодий ривожланиш нотекис юз берганлиги сабабли халқаро айирбошлашни кенгайтириш зарурати юзага келади, яъни мамлакатлар орасида турли товарлар, хизматлар, меҳнат, ахборот, хом ашё, техника-технологиялар айирбошлаш, маданий ва бошқа ҳамкорликларни амалга ошириш эҳтиёжи пайдо бўлади. Ўз навбатида ҳар бир давлат ўз миллий, иқтисодий, сиёсий манфаатларини кўзлаган ҳолда мазкур жараёнларда иштирок этади.

Шундай қилиб, давлатнинг халқаро иқтисодий интеграция турли соҳаларда: ташқи савдо, фаолиятнинг илмий-техника, ишлаб чиқариш, инвестиция, валюта-молия ва кредит, ахборот, маданий ва спорт турлари, меҳнат ресурсларини олиб ўтишда ўрнатилган. Халқаро иқтисодий интеграциянинг ана шу барча турларини қуйидаги шаклларга бирлаштириш мумкин: савдо (товарларни айирбошлаш, хизматлар кўрсатиш), қўшма тадбиркорлик, ҳамкорликнинг бошқа турлари. Улар халқаро иқтисодий муносабатлар амалиётида айниқса кенг тарқалган.

¹³Ҳамедов И.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти асослари. Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт жамғармаси» нашриёти, 2001, 7-бет.

Халқаро иқтисодий интеграциянинг тарихий ва иқтисодий тоифа ҳисобланади.

Тарихий тоифа сифатида халқаро иқтисодий интеграция цивилизация маҳсулоти ҳисобланади. Улар давлатлар пайдо бўлиши билан юзага келади ва улар билан бирга ривожланади. Ушбу алоқаларнинг ривожланишига айниқса феодализмнинг таназзули кучли туртки берди. Натурал хўжаликдан товар-пул муносабатларига ўтилиши алоҳида давлатларнинг миллий бозорларини ривожлантиришга ва ушбу миллий бозорларнинг товар айирбошлашида кескин сакрашни туғдирди, бу эса давлат муносабатларининг иқтисодий соҳасида байналмилал алоқалар ва халқаро айирбошлаш кенгайиши ва чуқурлашига олиб келди.

Иқтисодий тоифа сифатида ташқи иқтисодий алоқалар барча турдаги ресурсларнинг давлатлар ва турли давлатларнинг иқтисодий субъектлари ўртасидаги ҳаракати пайтида юзага келадиган ишлаб чиқариш – иқтисодий муносабатлар тизимини ташкил этади. Ушбу икки тарафлама муносабатлар давлат иқтисодий ҳаётининг барча соҳаларини, аввало унинг ишлаб чиқариш, савдо, инвестицияга оид ва молиявий фаолиятини қамраб олади.

Иқтисодий тоифа сифатида ташқи иқтисодий алоқаларнинг моҳияти унинг функцияларида аниқланади. Қуйидагилар анна шундай функциялар ҳисобланди:

- табiiй ресурслар ҳамда уларнинг ашёвий ва қиймат шаклидаги меҳнат натижалари билан халқаро айирбошлашнинг ташкил этиш ва хизмат кўрсатиш;
- халқаро меҳнат тақсимоти маҳсулотлари истеъмол қийматининг халқаро миқёсдаги эътирофи;
- халқаро пул муомаласини ташкил этиш.

Биринчи функция табiiй ресурслар сифатида қазиб олинadиган маҳсулотлар ва халқаро меҳнат тақсимоти жараёнида олинadиган маҳсулотларни маҳсулотлар ва уларнинг ашёвий ҳамда қиймат шаклдаги меҳнат натижалари бозори орқали Аниқ истеъмолчиларга етказишдан иборат

бўлади. Айирбошлашни ташкил этиш айна вақтда айирбошлашга хизмат кўрсатишни ҳам назарда тутади.

Иккинчи функцияни бажариш жараёнида товар-пул муносабатлари ҳаракатининг яқунланиши ва пулни халқаро меҳнат тақсимоли маҳсулотига айирбошлаш тугаши юз беради, бунинг натижасида маҳсулотнинг истеъмол қиймати (ёки амалий қиймати) халқаро эътирофга сазовор бўлади.

Учинчи функция – турли халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнида пулнинг узлуксиз ҳаракати учун шарт-шароит яратишдир.¹⁴

Айна вақтда ташқи иқтисодий алоқалар давлатнинг иқтисодий тизимига таъсир кўрсатиш воситаси бўлиб майдонга чиқади, у ташқи иқтисодий фаолият механизми орқали амалга оширилади.

Ўз шаклланиши ва ривожланишида жаҳон хўжалиги узоқ ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Баъзи тадқиқодчилар унинг пайдо бўлишини Қадимги Рим даврига тақайдилар. Баъзи олимларнинг фикрича, Рим империяси ўша даврдан бутунжаҳон хўжалик тизими эди. Бошқа олимлар жаҳон хўжалик тизими фаолият кўрсатишни қимматбаҳо тошлар, зираворлар, қуллар билан халқаро савдони жадал ривожлантиришга олиб келган XV-XVI асрлардаги буюк географик кашфётлардан бошланган деб ҳисоблайдилар. Бироқ бу даврдаги жаҳон хўжалиги асосан савдогарлар капитали жалб қилинганлиги билан чекланиб қолган эди.

Замонавий жаҳон хўжалиги капитализм ўзининг монополистик соссқичига ўсиб бориши давомидаги саноат тўнтаришидан кейин юзага келди. XIX асрнинг охири -XX асрнинг бошларидаги жаҳон иқтисодиёти XX аср, айниқса унинг сўнгги чорагидаги жаҳон хўжалигидан сезиларли фарк қилади.

XX асрнинг бошларидаги жаҳон хўжалиги кўпинча «капиталнинг кучига» қараганда кўпроқ харбий куч, ташқи иқтисодий мажбурлашга асосланганди. Бу даврдаги жаҳон хўжалиги доирасида ;.тти бекарор қилган кескин зиддиятлар мавжуд эди. Улар сирасига империалистик мамлакатлар

¹⁴ Ҳамедов И.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти асослари. Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт жамғармаси» нашриёти, 2001, 11-бет.

ўртасидаги зиддиятлар (улар иккита жаҳон урушига олиб келди), шунингдек, саноати ривожланган ва иқтисодий қолоқ мамлакатлар ўртасидаги зиддиятларни киритиш мумкин. XX асрнинг ўрталарига келиб, жаҳон хўжалиги икки қисм: жаҳон капиталистик ва жаҳон социалистик хўжалигига бўлиниб кетди. Ҳалқаро иқтисодий алоқалар тизимида дунё капиталистик хўжалиги устун мавқеига эга булди. 90-йилларнинг бошида халқаро савдонинг 9/10 қисми дунё капиталистик хўжалиги доирасидаги товар оборотига тўғри келди.

60-йиллардан бошлаб ривожланаётган мамлакатлар ҳорижий мамлакатлар иқтисодиёти тизимига тўлаҳуқуқли субъект сифатида кирдилар. 70-йилларнинг ўрталарига келиб, улар орасидан Жанубий-Шарқий Осиё (тўрт-«Кичик аждаҳо»лар биринчи тўлқини-Жанубий Корея, Тайван, Гонконг (сянгон), Сигапур) ва Лотин Америкаси мамлакатлари-Бразилия, Аргентина, Мексика каби янги индустриал мамлакатлар сезиларли даражада ажралиб чиқа бошлади.

СССРнинг инқироzi ва Шарқий Европа мамлакатларидаги революцион ўзгаришлардан сунг жаҳон хўжалиги ягона яхлит тизилма кирраларига эга бўла бошлади. Шаклланаётган глобал жаҳон хўжалиги бир жинсли бўлмай, саноати ривожланган мамлакатлар, иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича анча табақаланган ривожланаётган мамлакатлар ва ўтиш давридаги иқтисодий тизимга эга мамлакатларнинг миллий иқтисодиётини ўз ичига олади. Жаҳон хўжалигининг турли мамлакатлар ва минтақалар иқтисодиётининг оивожланиши бўйича бир хил эмаслиги ҳорижий мамлакатларнинг иқтисодий муносабатларида сезиларли акс этади.

XXI аср бўсағасида жаҳон хўжалиги бозор иқтисодиёти тамойиллари, халқаро меҳнат тақсимотининг объектив қонуниятлари, ишлаб чиқариш ва капиталнинг интернационалашувига асосланади. Дунёнинг кўплаб мамлакатлари савдо, ишлаб чиқариш ва кредит-молия соҳасининг бирлашганлик даражаси халқаро хўжалик комплекси шаклланаётганлигининг

белгиси бўлиб химзат қилади. Ўз моҳиятига кўра, жаҳон хўжалиги фақат бир хил эмас, балки тобора байналмила тус олмоқда.

Хорижий мамлакатларнинг иқтисодиётида муҳим роль ўйновчи бир нечта халқаро институтларни ажратиб кўрсатиш лозим. Бу авваламбор давлатлараро ташкилотлар, муассасалар ва конференциялардир, чунки Халқаро иқтисодий муносабатларни тартибга солиш тизимида давлат марказий ўрин тутаяди. Айнан давлат халқаро ҳуқуқнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг асосий субъектларидан бири ҳисобланади. Бу ерда, масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1944 йилда тузилган Бреттонвуд конференцияси (АҚШ). Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки (ХТТБ) ва Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) каби халқаро ташкилотлар ҳақида гап бормоқда. Бугунги кунда ХТТБ ва ХВФ БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаларидандир. Реал иқтисодий интеграция эса ишлаб чиқаришни шундай халқаро умумлаштиришдан иборатки, бу умумлаштириш иштирокчи давлатлар асосий ижтимоий-иқтисодий ўлчамларининг маълум паритетини назарда тутаяди.

Иқтисодий интеграция, ўз навбатида, иштирокчи мамлакатларнинг асосий ижтимоий-иқтисодий ўлчамларини жадаллаштириш учун шароит яратаяди. Иқтисодий интеграцияга олиб келадиган жараёнларни қуйидаги ўзаро боғланган занжир кўринишида ифодалаш мумкин: ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, халқаро меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқариш ва капиталнинг интеграциялашуви, иқтисодий интеграция.

1.2. Халқаро иқтисодий интеграциянинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар

Иқтисодий интеграция бир қатор объектив омилларга асосланган бўлиб улар орасида қуйидагилар муҳим ўрин тутаяди:

- 1) хўжалик ҳаёти байналмилаллашувининг ўсиб бориши;
- 2) халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви;
- 3) умумжаҳон илмий-техникавий инқилобининг рўй бериши;

4) миллий иқтисодиётлар очиклиги даражасининг ошиши (1.2.1-расм).



1.2.1-расм¹⁵.

Бу омилларнинг барчаси ўзаро боғлиқдир. Интеграциялашув – мамлакатлар ўртасидаги (авваламбор, халқаро меҳнат тақсимоти асосида) барқарор ўзаро алоқалар ривожланиши жараёни ва қайта ишлаб чиқаришнинг миллий хўжалик доирасидан четга чиқишидир. Байналмилаллашувнинг ўсишига эса, айниқса, трансмиллий корпорациялар (ТМК) фаол кўмаклашади.

Трансмиллий корпорациялар чет элларда ўз активларига эга бўлган миллий монополиялардир. Уларнинг қайта ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқ фаолияти бир давлат доирасидан чиқиб кетади. Ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналмилаллашуви “йирик компанияларнинг чет элда корпорацияларни трансмиллий корпорацияларга айлантириш йўли билан хўжалик алоқаларини экспансия қилиш” хусусиятига эга бўла бошлайди. Капитални олиб чиқиш халқаро корпорацияларни тузиш ва ривожлантиришда муҳим омилга айлана бошлайди. Халқаро меҳнат тақсимоти қанчалик чуқур бўлса ва ишлаб чиқаришдаги кооперация алоқалари қанчалик мустаҳкам бўлса, иқтисодий интеграция шунчалик муваффақиятли ва турли шаклларда ривожланади.

Иқтисодий интеграциянинг асосий шакллари қуйидагилардан иборатдир:

¹⁵ Диссертант ишланмалари асосида тузилган.

1. Эркин савдо ҳудуди. унинг доирасида қатнашувчи мамлакатлар ўзаро савдо тўсиқларини бекор қиладилар, лекин уларнинг ҳар иккаласи учинчи мамлакатларга нисбатан савдо тўсиқларини бузмайди. Бундай ҳудудда қатнашувчи мамлакатлар чегараларидаги божхона назорати сақлаб қолиниши керак. Унинг мақсади - қўшни қатнашчи мамлакатларнинг сустроқ божхона тўсиғи орқали учинчи мамлакатлардан ҳудудга кириб келувчи импорт моллар учун солиқ ундириш ёки уни таъкиклашдан иборат (бу қоида учинчи мамлакатларга мол экспорт қилишга ҳам тааллуқлидир).

Бунга 1960 йилларда ташкил топган Европа эркин савдо уюшмаси (ЕЭСУ) мисол бўла олади. Унга 6 мамлакат бирлашган бўлиб, унинг асосий вазифаси давлатлараро эркин савдони юритишдан иборатдир. ЕЭСУ интеграциянинг қуйи шакли бўлиб ҳисобланади, чунки у мунтазам кооперацион алоқаларни билдирмайди.

МДХ мамлакатлари ўртасидаги битим эркин савдо зонасига иккинчи бир мисолдир. Ўзбекистон эркин савдо ўртасида Озарбайжон, Арманистон, Беларуссия, Қозоғистон, Молдавия, Россия ва Украина билан шартномалар тузган. Бу шартномаларга биноан томонлар мазкур мамлакатлардан чиқариладиган ва улар ҳудудига олиб киритиладиган товарлардан божхона тўлови олмаслик мажбуриятини қабул қилган. Шу асосида Ўзбекистон шартнома тузилган давлатлардан чиқариладиган ва республика ҳудудига олиб кириладиган товарлардан бож олмайди.

2. Божхоналар иттифоқи. Бунда қатнашчи мамлакатлар ўзаро савдода барча чекланишларни бартараф этибгина қолмай, ташқи савдо тўсиқларининг ягона тизимини таъсис этадилар. Бу билан ички чегараларда божхона хизматини сақлаш заруриятини соқит қиладилар. Европа иттифоқи (ЕИ) божхона иттифоқига мисолдир. Европа иттифоқига 1958 йилда асос солинган бўлиб, 1993 йилга келиб у Ғарбий Европадаги 12 мамлакатни бирлаштирди.

Бу уюшманинг асосий вазифаси иштирокчи мамлакатлар доирасида ресурслар, товарлар ва хизматлар ҳаракатини миллий чегарадан холи

равишда эркин кўчиб юришини таъминлаш, умумий бозорни вужудга келтириш, бозор воситасида товарларни давлатлараро тақсимлаб, аҳоли талаб-эҳтиёжини қондиришдир. ЕИ тарзида Ғарбий Европа божхона иттифоқининг тузилиши савдо интеграцияси натижаларини амалий баҳолаш имконини туғдиради. Дунёдаги энг атоқли иқтисодчиларнинг фикрича, ЕИ доирасида божхона иттифоқи натижасида савдонинг ўсиши кўпроқ бўлади. М.Крейнин ҳисоб-китобига кўра, ЕИ ичида янги савдо оқимларининг вужудга келиши тахминан 8,4 млрд. АҚШ долларига етади, учинчи мамлакатлардан импорт эса ҳаммаси бўлиб 1 млрд. АҚШ долларидан камаяди.

ЕИ доирасида божхона иттифоқининг тузилиши умуман жаҳон хўжалигида фойда келтирган бўлсада, бу нарса айрим мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатади. Чунончи, АҚШ ва Канада Ғарбий Европа мустақамланганлигини табриклаган бўлсаларда, Европадаги ўз бозорларининг бир қисмидан маҳрум бўладилар. Ўзи қатор савдо афзалликларидан воз кечсада, ЕИ ичида Нидерландия ва ГФР га импорт божларини ҳамжамиятнинг ягона тарифидаги умумий даражага кўтаришга тўғри келди. Қишлоқ хўжалиги бўйича Буюк Британия энг кўп зарар кўриб, 70 йилларнинг ўрталарида Британия ҳамдўстликдаги мамлакатлардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини арзон импорт қилиш афзаллигидан умидини узди.

3. Умумий бозор. Унинг доирасидаги қатнашчилар савдодан ташқари ишлаб чиқариш омилларининг барчасини бемалол кўчириш (ишчи кучи ва сармоя миграцияси) эркинлигига ҳам эга бўлдилар. Бунга яна ўша Европа иқтисодий иттифоқи ёки Европа умумий бозори мисол бўла олади. Унинг ҳозирги расмий номи - Европа иттифоқидир.

4. Тўла иқтисодий иттифоқ. Бунда қатнашчи мамлакатлар ўз иқтисодий сиёсатларини, шу жумладан, пул, солиқ ва ижтимоий сиёсатни, шунингдек, савдога ҳамда ишчи кучи ва сармоя оқимида тааллуқли сиёсатни бир хиллаштиради. Белгия билан Люксембург 1921 йилда қонуний иттифоққа

бирлашди, Европа ҳамжамияти мамлакатлари учун эса, бу иқтисодий иттифоқ - пировард мақсаддир. ЕИ аъзоси бўлган мамлакатлар тарихий тажриба таъсири остида бирлашиш керак, деган фикрга келдилар, чунки тарих уларга Европада «савдо урушлари» ниҳоятда ҳатарли эканлигини ва ҳақиқий урушларга яқинлигини яққол кўрсатган.

Кўпинча «умумий бозор» деб аталган бу ҳамжамият аъзолари қуйидаги қарорга келдилар:

1) ўзаро савдода барча божларни ва импорт квоталарини (меъёрларини) бекор қилиш;

2) дунёнинг бошқа мамлакатларидан Европа бозорига товарлар киришини бир хил тартибга солиш;

3) пул маблағларининг бир мамлакатдан иккинчисига бемалол кўчиб юришини ҳамда ягона ишчи кучи бозорни яратиш учун ўз фуқароларининг чегарадан эркин ўтишини таъминловчи қонунлар қабул қилиш;

4) умумий манфаатдор муаммоларни ҳал этишда ягона сиёсат ўтказиш.

Дунёда давлатларнинг неча ўнлаб иқтисодий бирлашмалари мавжуд. АСЕАН (Жанубий Шарқий Осиё) мамлакатлари ўртасида кооперация алоқалари фаол ривожланмоқда. МДХ мамлакатлари доирасидаги иқтисодий ҳамкорлик айниқса, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасида тузилган Марказий Осиё умумий бозорини ташкил этиш ҳақидаги битимни ҳам тилга олиб ўтиш керак. Шимолий Америка иқтисодий иттифоқи (НАФТА) тўғрисидаги битимга катта умид боғланмоқда.

Жаҳонда ривожланаётган ёш мамлакатларга хос, лекин барқарор бўлмаган бошқа интеграция уюшмалари ҳам бор. Уларнинг иштирокчилари ўтмишдаги мустамлакалар бўлиб, иқтисодиёти бир ёқлама, яъни хом ашё етказишга асосланган, шу сабабли бир-бирини тўлдириб, ягона комплексни ташкил эта олмайди. Интеграцион алоқаларнинг пайдо бўлиши жаҳон хўжалигига хос воқелик, аммо улар умумий тус олиш учун ҳамма мамлакатларда шароит муҳайё бўлиши керак.

Халқаро тажриба шундан далолат берадики, интеграция унинг қатнашчилари учун ўзаро фойдали ва самарали бўлишда қуйидаги шартларга риоя қилиниши зарур:

- иқтисодий ривож даражасида катта тафовут бўлмаслиги. (Кўпроқ ривожланган мамлакатлардан камроқ ривожланган мамлакатларга ресурсларнинг текин қайта тақсимланиши узок муддатли ва ўзаро фойдали интеграция жараёни учун асос бўла олмайди);

- иқтисодий сиёсатнинг ўхшашлиги;

- валюта тизимининг яқинлиги ва валюта курсларининг барқарорлиги;

- иқтисодий тизими, ижтимоий таркибий тузилиши ва сиёсий тузилманинг ўхшашлиги.

Интеграция турли мамлакатлардаги ихтиёрий, тенг ҳуқуқли, ўзаро фойдали асосда иш олиб борувчи хўжалик субъектларининг ўзаро таъсир кўрсатиш ва бир-бирининг ичига кириб боришдан иборат объектив жараён сифатида ривожланиши керак. Уни иқтисодий сиёсати ва вазияти турлича бўлган мамлакатлар ўртасида амалга ошириш йўлидаги уринишлар беҳудадир. Бундай интеграция иқтисодий вазиятнинг ёмонлашувига, инқирозли жараёнларнинг чуқурлашувига, иқтисодий ва сиёсий беқарорликка олиб келиши мумкин.

Интеграциявий жараёнлар ривожланишининг бошқа турлари халқаро меҳнат тақсимоли тузилишидаги чуқур илгари силжишлар (илмий-техника инқилоби таъсири остидаги) ҳисобланади. Халқаро меҳнат тақсимоли – мамлакатлар ўртасида меҳнатни ижтимоий-худудий тақсимлашни ривожлантиришнинг маълум маҳсулот ишлаб чиқаришни алоҳида мамлакатларда барқарор жамлашни назарда тутувчи юқори босқичидир.

Шуниси аёнки, нисбатан мустақил фазалар ажралиб чиқар экан, ишлаб чиқариш жараёни ишлаб чиқаришнинг маълум худуд, алоҳида мамлакатлардаги алоҳида босқичлар бўйича жамланмай қолиши мумкин эмас. Шунинг учун худудий меҳнат тақсимолининг икки турини ажратиб кўрсатилади:

- минтақалараро – бир мамлакатнинг турли минтақалари ўртасидаги меҳнат тақсимоти;

- халқаро – турли мамлакатлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти.

Тармоқ ичидаги ихтисослашув кенг тарқалиб бормоқда. Илмий-техника инқилобининг ҳар хил мамлакатларда, турлича юз бераётганига қарамай, унинг ҳозирги босқичи ҳам бозорни, ҳам ишлаб чиқаришни байналмилаллаштиришни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқмоқда. Илмий-техника инқилоби замонавий қайта ишлаб чиқаришда ташқи иқтисодий алоқаларнинг роли ўсишини келтириб чиқарувчи мустақил омил сифатида намоён бўлмоқда. Бошқа давлатлардан ажралган ҳолда у ёки бу мамлакатда фан ва техниканинг ривожланиши муваффақиятли бўлиши мумкин эмас. Кейинги йилларда турли мамлакатларнинг фирмалари ўртасида кооперациялашувнинг жадал ривожланиши йирик халқаро ишлаб чиқариш-инвестиция комплексларининг пайдо бўлишига олиб келди, уларни тузиш ташаббуслари кўпинча трансмиллий корпорациялар ҳисобланади. Улар учун фирма ичидаги меҳнат тақсимоти миллий чегаралардан чиқиб улгурди ва аслини олганда меҳнат тақсимотига айланди. Шу асосида миллий иқтисодиётларнинг очиклиги даражаси ошиб бормоқда. Очик иқтисодиёт мамлакатнинг жаҳон хўжалик алоқаларига янада кўпроқ қўшилиши асосида шаклланмоқда.

Интеграция жараёнларини рағбатлантирувчи асосий омиллардан бири – **миллий иқтисодиёт очиклик даражасининг ошишидир.** Очик иқтисодиётнинг ўзига хос белгиси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалик муносабатлари тизимида чуқур киришганлиги;


- товарлар, капитал, ишчи кучининг мамлакатлараро ҳаракати йўлидаги тўсиқларнинг камайтирилиши ёки тўлиқ бартараф этилиши;

- миллий валюта конвертациясининг таъминланганлиги.

Ривожланган мамлакатларда очик иқтисодиётни шакллантиришда экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, хорижий фирмалар

билан кооперациялашувга кўмаклашиш ва чет элдан капиталлар, технологиялар, малакали кадрлар кириб келишига кўмаклашувчи ҳуқуқий асосларни яратиш бўйича давлат ташқи иқтисодий стратегияси муҳим роль ўйнайди. Ҳозирги кунда халқаро иқтисодиётда юзага келаётган ва ривожланаётган кўплаб интеграцион бирлашмалар аслида ўз олдига бири-бирига ўхшаш вазифаларни кўядилар.

Бу вазифаларни қуйидаги чизма орқали ифодалаш мумкин (1.2.2-расм)



1.2.2-расм¹⁶.

Бу вазифаларнинг мазмунини батафсил кўриб чиқамиз.

1. Иқтисодиёт кўлами устунликларидан фойдаланиш. Иқтисодий кўлам назарияси асосида бозор ҳажмини кенгайтириш, трансакцион харажатларни камайтириш ва бошқа имтиёзларни олишни таъминлаш ётади. Бу, ўз навбатида, ўзларининг эҳтиёжларини қондиролмаган, мустақил ишлаб чиқаришдан манфаати бўлган, катта ҳажмли бозорларга бажонидил кириб келадиган чет эл инвестицияларининг эътиборини тортишга бевосита имкон беради.

2. Қулай ташқи сиёсий муҳит яратиш. Кўплаб интеграцион бирлашмаларнинг муҳим мақсади уларда иштирок этувчи давлатларнинг сиёсий, ҳарбий, ижтимоий, маданий ва бошқа ноиқтисодий соҳаларда бири-бирини тушуниши ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашдир. Жуғрофий жиҳатдан

¹⁶ Диссертант ишланмалари асосида тузилган.

бир-бирига яқин жойлашган ва ривожланиш соҳасида ўхшаш муаммоларга эга бўлган мамлакатлар учун қўшнилари билан ўзаро иқтисодий мажбуриятлар орқали мустақамланган дўстона муносабатларга эга бўлиш муҳим устувор йўналиш ҳисобланади.

3. Савдо сиёсатидаги вазифаларни ҳал қилиш. Минтақавий интеграция, кўпинча, ГААТ/БСТ доирасида иштирок этаётган мамлакатларнинг музокараси нуқтаи назаридан олиб қаралади. Мамлакатлар блоки номидан келишилган ҳолдаги баёнот анча жиддий ҳисобланади ва савдо сиёсати соҳасида кутилган натижаларни беради.

Бунинг устига, минтақавий блоklar ўз иштирокчиларининг манфаатлари кескин фарқланадиган кўп томонлама савдо музокаралари учун барқарор ва олдиндан кўриш мумкин бўлган муҳит учун имконият яратиб беради. Шимолий Америка, Лотин Америкаси ва Жануби-Шарқий Осиёдаги интеграциявий бирлашмалар кўп томонлама савдо музокаралари доирасидаги жамоавий куч-ғайратларга алоҳида умид боғламоқда.

4. Иқтисодиётни тузилмавий қайта қуришга кўмаклашиш. Бозор иқтисодиётини ёки туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошираётган мамлакатларнинг анча юқори бозор иқтисодиёти ривожланиши даражасидаги мамлакатлар билан минтақавий савдо битимларига қўшилиши бозор тажрибаларини ўрганишнинг муҳим омили, бозорга йўналтирилган йўл ўзгармаслигининг кафолати сифатида намоён бўлади. Ўз қўшнилариини интеграция жараёнларига қўшар эканлар, ривожланганроқ давлатлар ҳам ўша мамлакатлардаги тўлақонли ва катта ҳажмли бозорларни яратиш ҳамда улардаги бозор ислоҳотларининг илдиз отишидан манфаатдор бўлади. Европа Иттифоқининг у ёки бу шаклига қўшила туриб, кўплаб Ғарбий Европа мамлакатлари шу мақсадларни кўзлаган эди.

5. Миллий саноатнинг ёш соҳаларини қўллаб-қувватлаш. Ҳатто, интеграцион бирлашмалар учинчи мамлакатларга нисбатан камситувчи чораларни назарда тутмаганларида ҳам, улар фаолияти учун

кенгроқ минтақавий бозор очиладиган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш усули сифатида қаралади.

Интеграция жараёнлари объектив тавсиф касб этишига қарамай, у ўз-ўзича, стихияли тарзда бормайди. Балки бугунги кунда ташкил этилган ва фаолият юритаётган минтақавий интеграцион тузилмалар уларга кирувчи мамлакатлар ўртасида қонуний келишув ва ўзаро шартномалар асосида амал қилади.

Ҳозирда дунёда жуда кўплаб интеграцион гуруҳлар мавжуд. Биз турли минтақалардаги асосий интеграцион гуруҳлар сифатида қуйидаги тузилмаларни кўрсатишимиз мумкин:

- Ғарбий Европада – Европа Иттифоқи (ЕИ);

- Шимолий Америкада – Эркин савдо тўғрисида Шимолий Америка битими (НАФТА);

- Осиё-Тинч океани минтақасида – Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси (АСЕАН).

Европа Иттифоқи 1993 йил 1 ноябрда Маастрихт келишувлари (бу келишувлар 1991 ва 1992 йилларда иқтисодий ва валюта иттифоқини шакллантириш тўғрисида имзоланган эди) кучга кириши асосида янги ном билан пайдо бўлди. Бунга қадар у Европа ҳамжамияти деб аталиб, ўз ичига 1967 йилда бирлашган учта мустақил минтақавий ташкилотларни олар эди, яъни:

- 1951 йилда ташкил этилган кўмир ва пўлат ишлаб чиқариш бўйича Европа бирлашмаси;

- 1957 йилда ташкил этилган Европа иқтисодий ҳамжамияти;

- 1958 йилда ташкил этилган атом энергияси бўйича Европа ҳамжамияти.

ЕИ доирасидаги интеграциянинг ривожланиши босқичма-босқич бормоқда. Жумладан, дастлаб эркин савдо худуди, божхона иттифоқи, умумий бозорнинг, кейинчалик эса иқтисодий ва валюта иттифоқининг

ташкил этилиши бу тузилмалар шаклланишининг қуйидан юқорига томон ҳаракатини билдиради.

Ҳозирда ЕИда ягона бозор ҳамда давлатлараро бошқарув тизимини ташкил этиш жараёни яқунланиб, мамлакатлар иқтисодий, валюта ва сиёсий иттифоқларни расмийлаштирдилар.

Иқтисодий иттифоқнинг амал қилиши ЕИ Вазирлар кенгаши томонидан ЕИ иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари ишлаб чиқилишини кўзда тутди ҳамда уларга ҳар бир аъзо мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши мувофиқ тушишини назорат қилади.

Сиёсий иттифоқ ягона ташқи сиёсатни олиб бориш ҳамда ички қонунчилик доирасида умумий ёндашувларни ишлаб чиқишга йўналтирилган.

Валюта иттифоқи ЕИ доирасида ягона пул-кредит сиёсатини олиб бориш ҳамда барча мамлакатлар учун умумий бўлган валютанинг амал қилишини англатади.

1999 йил 1 январдан ЕИ мамлакатлари ҳудудида евро ҳисоб-китоб бирлиги сифатида амал қила бошлади. Бироқ, бу пайтда валюта иттифоқига ЕИнинг барча аъзолари кирмай, Буюк Британия, Греция, Дания ва Швеция евро ҳудудидан ташқарида қолди.

ЕИ тўла ҳуқуқли аъзолари таркиби йиллар давомида кенгайиб бормоқда. Ҳозирда унинг таркибига 27 мамлакат киради: Бельгия, Германия, Италия, Люксембург, Нидерландия, Франция (1957 йил); Буюк Британия, Дания, Ирландия (1973 йил); Греция (1981 йил); Гренландия (1985 йил); Португалия, Испания (1986 йил); Австрия, Финляндия, Швеция (1995 йил); Венгрия, Кипр, Латвия, Литва, Мальта, Польша, Словакия, Словения, Чехия, Эстония (2004 йил); Болгария, Руминия (2007 йил).

ЕИга аъзо бўлиш учун бу мамлакатлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:

- демократияни кафолатловчи ташкилотларнинг барқарор фаолияти;
- ҳуқуқий тартибнинг ўрнатилиши ва унга амал қилиниши;

- инсон ҳуқуқларига амал қилиниши ва кам сонли миллатларнинг ҳимоя қилиниши;
- бозор иқтисодиётининг амал қилиши;
- Иттифоқ ичидаги рақобат кураши ва бозор кучларининг таъсирига бардош бера олиш;
- ўз зиммасига аъзолик мажбуриятларини, шу жумладан, сиёсий, иқтисодий ва валюта иттифоқи вазифаларини олишга тайёрлик.

Европа Иттифоқининг кенгайиши ўзининг ижобий ва салбий томонларига эга. Бир томондан, янги ҳудудлар ва аҳолининг кўшилиши ҳисобига ЕИнинг ресурс салоҳияти ўсади, мавжуд аъзолар учун бозорлар аҳамиятли даражада кенгайди, ЕИнинг жаҳондаги сиёсий мавқеи кучаяди. Бошқа томондан, ЕИдан катта ҳажмдаги сарф-харажатлар, жумладан, унинг янги аъзолари учун субсидия ва трансферт тўловлари учун бюджет сарфларининг ўсиши талаб этилади. Янги аъзолар иқтисодиётининг тармоқ бўйича таркиби талабга жавоб бермаганлиги сабабли, ЕИда беқарорлик хавфи кучаяди.

1.3. Миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви ва диверсификациялаш жараёнларини кенгайтиришнинг услублари

Ҳозирги вақтда Марказий Осиё минтақасида режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида туб ижтимоий-иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда. Бошқарувнинг маъмурий-буруқбозлик тизими асосан бузиб ташланди, бозор механизмлари ишга туширилди, молия ва пул тизимлари шакллантирилди ва ривожланмоқда, миллий валюталари жорий этилди, мулкчилик муносабатлари тубдан ўзгартирилмоқда, хусусийлаштириш кенг кўламда олиб борилмоқда Умуман олганда ижтимоий ва сиёсий барқарорлик сақланиб қолмоқда.

Марказий Осиё минтақаси миллий бозорларнинг тарқоқлиги ва торлиги, ташқи иқтисодий сиёсатнинг келишилмаганлиги, молиявий ва технологик

ресурсларнинг чекланганлиги шароитида бугунги кунда хорижий рақобатчиларнинг босимига қарши туришга ва ички бозорни ҳимоя қилишга қодир эмас. Боз устига ушбу республикалар иқтисодий салоҳият даражасига ва ижтимоий муаммолар ҳал этилиши даражасига кўра бир-биридан анча фарқланади.

Шу боисдан ҳам Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан интеграциялашуви мамлакат минтақасида ташқи иқтисодий алоқалар таъсири самарадорлигини оширишга ҳар томонлама хизмат қилади. Чунки, ушбу интеграцион бирлашувнинг бир қатор афзалликлари мавжуд. Марказий Осиё давлатлари интеграцияси - қатнашчи мамлакатларнинг ихтиёрийлигига ва улар томонидан иқтисодий иттифоқнинг қулайлиги ва зарурлиги англаб этилишига асосланган эволюцион жараён дир. Ушбу иттифоқ қатнашчи мамлакатларга иқтисодиётларнинг қўшимча қиёсий устунликларига эга бўлиш ва динамик иқтисодий ўсиш траекториясига кириш имконини беради. Қуйидагиларни бундай иттифоқнинг афзалликларига киритиш мумкин:

- минерал, қишлоқ хўжалиги ва энергетика ҳом ашёсининг барча турлари билан минтақанинг тўлиқ ўзини ўзи таъминлаши; биргаликдаги қудратли экспорт салоҳияти;

- кооперация ва қўшма инвестициялар асосида рақобатбардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш имконини берувчи жами ишлаб чиқариш салоҳияти;

- таълим даражасининг юқорилиги ва иш кучининг паст қиймати билан характерланадиган меҳнат ресурслари;

- бир томондан, Россия ва Европа билан, иккинчи томондан, Шарқ мамлакатлари ўртасидаги қулай жуғрофий-сиёсий мавқеи;

- сув ресурсларидан ва бошқа табиий ресурслардан биргаликда оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликка эришиш имконияти;

Бироқ ягона иқтисодий маконни шакллантириш суи ва катта қийинчиликлар билан амалга оширилмоқда. Энергия манбаларини ва ҳом ашё ресурсларини экспорт қилишда ҳамда саноатнинг

рақобабардошлилигини оширишда жамоавий манфаатларни ҳимоя қилишга доир концепция ва биргаликдаги хатти-ҳаракатлар дастури ишлаб чиқилмаган. Минтақанинг сув, энергетика, газ, транспорт комплексларидан ўзаро фойдали фойдаланиш соҳаларида жиддий ҳал этилмаган муаммолар сақланиб қолмоқда. Бир қанча тармоқ интеграция муаммолари тўлиқ ҳажмда амалга оширилмаган. Кейинги вақтларда амалга оширилиши кўп маблағни талаб этмайдиган маданий, илмий алоқалар қисқармоқда. Иқтисодиётларни ислоҳ қилиш, уларнинг таркибий қайта тузилиши йўналишлари ва динамикасида зарур мувофиқлаштириш ишлари мавжуд эмас. Илгари имзоланган бир қанча битишувлар шартлари тўлиқ ҳажмда бажарилмаяпти.

Келишилмаган экспорт сиёсати, (нархлар ва ташқи чегара тарифлари бўйича) учинчи мамлакатлар бозорларида экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг айрим гуруҳлари бўйича қатнашчи давлатларнинг асосиз равишда рақобатлашишига олиб келмоқда. Иқтисодиётларни ислоҳ қилиш тезлигининг турличалиги, бошқа қатнашчи давлатларнинг манфаатларини камситувчи бир томонлама қарорлар қабул қилиниши интеграция жараёнини тўхтатиб қўймоқда

Ҳукуматлар экспорт ва импортга маъмурий тўсиқларни бекор қилиб, божхона божларини олиб ташлаб ҳамда савдо операцияларига хизмат қилувчи молиявий ва бозор инфратузилмасини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиб ва қўллаб-қувватлаб, шунингдек нархларни маъмурий назоратдан тўлиқ озод қилиб товарларнинг давлатлар бозорида эркин ҳаракат қилишини таъминлаши керак.

Ҳозирги вақтда минтақавий фаолиятда Ўзбекистоннинг роли тобора салмоқли бўлиб бормоқда. Бу бир неча сабаблар билан изоҳланади:

Ўзбекистон мустақил хом ашё ва энергетика базасига, шунингдек катта инсон ресурсларига ва нисбатан сиғимли истеъмол бозорига эга;

Республиканинг жуғрофий жойлашиши Марказий Осиёнинг қолган тўрта республикаси билан умумий чегара мавжуддиги билан характерланади.

Марказий Осиё минтақаси доирасида умумминтақавий тартибга солиш объекти бўлиши керак бўлган давлатлараро интеграция дастурларини барпо этиш ва амалга оширишнинг алоҳида муҳим роли ва устувор аҳамиятини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Шу ўринда ташқи иқтисодий фоллят юритишда диверсификацион тамойилларга ҳам эътибор қаратиш, мамлакатимизнинг келажакдаги истиқболлини ва кутилмаган хавфларни бартараф этиш, шунингдек бундай хавфлар пайдо бўлган тақдирда улардан келадиган салбий таъсирларни максимал даражада камайтириш имконини беради. **Диверсификация** – муайян тўплам таркибининг турли-туманлигини таъминлаш чоратadbирлари. Диверсификация даражаси турли-туманлилик даражаси билан белгиланади. Диверсификациялашдан муҳим инвестиция концепцияси тариқасида фойдаланилади. У инвестиция портфели даромадлилигини пасайтирмаган ҳолда унинг рискни пасайтиради.

Диверсификациялашдан олинadиган энг юқори самара бир турдаги актив қийматининг пасайиши бошқа турдаги актив қийматининг ўсиши ҳисобига қопланишини таъминлайдиган тарзда инвестиция портфелига турли синфлар, тармоқлар, минтақалар активларини қўшиш орқали эришилади. Яъни, ташқи иқтисодий алоқаларни ўрнатишда куйидаги диверсификацион тамойилларга эътибор қаратиш ижобий самара бериши мумкин:

- ташқи иқтисодий алоқаларни иложи борица кўпроқ ва минтақавий жиҳатдан турлича бўлган мамлакатлар билан ўрнатиш лозим;
- экспорт таркибини турлича маҳсулотлар ташкил этиши лозим;
- бир хил турдаги маҳсулот ёки хизматни бир вақтнинг ўзида жаҳоннинг турлича қитъаларида жойлашган давлатларга экспорт қилиш лозим;
- иқтисодиёт учун зарур бўлган импорт маҳсулотлари ҳам экспорт сиёсатида амал қилadиган тамойил сифатида амалга оширилиши лозим;
- жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнини ташкил этишда турли мамлакатлар тажрибасини ўзимизни шароитга мослаштирган ҳолатда амалга ошириш лозим;

Юқоридаги шу каби тамойилларга амал қилиш ташқи иқтисодий алоқаларни самарасини янада кучайтиради деб ҳисоблаймиз.

Жаҳон ишлаб чиқаришида улуши узлуксиз равишда ошиб бораётган Осиё давлатлари янги транспорт йўлаклари, шу жумладан Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон орқали ўтадиган транспорт йўлаклари ривожланишидан манфаатдордир. Минтақа давлатлари шунингдек ўз транспорт-транзит салоҳиятидан фойдаланишдан ҳам манфатдорлиги аён, чунки у саноатнинг асосий тармоқлари ва қишлоқ хўжалигига катта таъсир кўрсатади.

Юқларнинг Хитой ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидан Марказий Осиё худуди орқали Россияга ва Европага томон ташилиши жаҳон транспорт тизимини мақбуллаштириб, йўлга кетадиган вақтни қисқартириб, минтақа давлатлари учун даромадларнинг янги манбаини яратибгина қолмай, балки уларнинг ички иқтисодий ривожланишига ва экспортни кенгайтиришга кучли турки беради. Қуйидагилар транспортни ривожлантиришнинг устувор лойиҳалари ҳисобланади:

- халқаро денгиз портлари қурилиши ва улардан биргаликда фойдаланиш;
- давлатлараро темир йўл тармоқларини ривожлантириш;
- автомагистраллардан биргаликда фойдаланиш ва уларни ривожлантириш, истикболда Осиё-Европа магистрал автомобиль йўли барпо этиш;
- ҳаво бушлиғидан биргаликда фойдаланиш, Европа-Осиё авиация алоқаси Марказий Осиё худуди орқали ўтишига йўналиш олиш;
- магистрал газ қувурлари қуриш.

Баён қилинганларни жамлаб трансмиллий компаниялар, молиявий-саноат гуруҳлари ва эркин савдо зоналари барпо этиш асосида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг чуқур интеграцияси иқтисодийларимизнинг юксалиши ва барқарор жараён учун шарт-шароитлар яратишни қайд этиш зарур. Бундан ташқари, бу истикболда тугалланган

цикли саноатнинг етакчи тармоқларини ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш асосида Марказий Осиё давлатлари иқтисодиётининг ягона комплексини ташкил этиш имконини беради ҳамда бизнинг давлатларимизга халқаро меҳнат тақсимотида тўлақонли қатнашиш имкониятини яратади.

Интеграция даражаси минтақада ишлаб чиқариладиган ва истеъмол қилинадиган маҳсулотлар турлари билан белгиланади. Истиқболда ёқилғи-энергетика ресурслари, машинасозлик, шу жумладан кон қазиш, металлургия, қишлоқ хўжалиги (ирригация) асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш, донни қайта ишлаш маҳсулотлари, озиқ-овқат комплекси, айниқса дон бозори соҳасида ҳамкорлик ва ишлаб чиқариш кооперацияси энг кўп ривожланади.

Яна иккита истиқболли йўналишни ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар нефть-газ машинасозлиги ва нефть кимёсидир. Уларнинг ривожланиши бизнинг республикаларимизда нефть ва газ қазиб олиш ҳажмлари ўсиши истиқболи билан изоҳланади, бу ўз навбатида нефть-газ машинасозлиги маҳсулотлари лойиҳаларини таъминлаш масаласини ўртага қўяди.

Минтақада интеграция жараёнларининг реал шарт-шароитлари ва самарадорлигини таъминлаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган мажбурий макроиқтисодий чора-тадбирлар кўриш фурсати етди, уларга қуйидагилар тегишлидир:

- иқтисодий ислохотларни мувофиқлаштириш;
- миллий хўжалик қонунчиликларини яқинлаштириш;
- тузилмавий, кредит-пул, валюта, нарх, солиқ ва ижтимоий сиёсатнинг умумий стратегиясини келишиш.

Умуман олганда, Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари интеграцияси минтақадаги комплекс устувор муаммоларни ҳал этиб ушбу мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кучайишининг муҳим омилига айланади. Минтақа мамлакатларининг тарихий, жуғрофий, маданий ва тил умумийлиги жараённинг суръатлари ва кўламларига кўмаклашади, интеграциянинг ўзи эса миллий ўзига хослик, давлат суверенитети ва сиёсий

мустақилликни сақлаб қолиниши шароитида юз беради. Албатта, интеграция ривожланишининг шаклланаётган ички ва ташқи омиллари шароитида Марказий Осиё давлатлари томонидан иқтисодий ҳамкорлик шакллари ривожлантирилишига интеграциянинг ҳар хил шакллари аста-секин амалга оширган ҳолда изчил эришилади. Айна вақтда жаҳонда сиёсий ва иқтисодий ҳодисаларнинг ривожланиши Марказий Осиё давлатлари салоҳиятининг жамланишини ва тўлақонли интеграция ҳамдўстлиги шакллантирилишини талаб этади.

Хорижий мамлакатлар иқтисодий интеграциясининг ҳалқаро тажрибаси Марказий Осиё ҳамдўстлиги доирасидаги интеграция жараёнларида фойдаланиш мумкин бўлган бир қанча хулосаларга келиш имконини беради. Бу эса Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида жуда муҳимдир.

Биринчидан, иқтисодий вазифа сифатида минтақавий иқтисодий интеграцияни амалга ошириш учун ўтказилаётган демократик ва иқтисодий ислохотларнинг умумий мақсадлари билан бирлашган қатнашчи давлатлар раҳбарларининг ягона сиёсий идораси зарур;

иккинчидан, хусусий бизнесга ва хорижий инвесторларга ишонч шarti сифатида барқарор макроиқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий вазият интеграция иттифоқи аъзоси бўлган мамлакатлар иқтисодиёти интеграцияси муваффақиятли қадам ташлашининг муҳим шarti ҳисобланади. Ўтиш иқтисодиётига асосланган мамлакатлар учун уларга хос бўлган олдинги ижтимоий тузилмаларни ўзгартириш қийинчиликлари билан боғлиқ эркин савдо зонасини, кейинчалик эса ягона иқтисодий маконини барпо этиш биринчи навбатдаги вазифа ҳисобланади. У бошқа ислохотлар (таркибий қайта ўзгартиришлар, хусусийлаштириш, давлатнинг иқтисодиётга аралашини бекор қилиш, нархларни эркинлаштириш ва бошқалар) билан узвий уйғун бўлиши керак;

учинчидан минтақавий интеграция эркин савдо зонасини, сўнгра божхона, тўлов ва валюта иттифоқини ташкил этишга доир комплекс чора-

тадбирлар сифатида аста-секин, изчил амалга ошириладиган жараён эканлигини эсда тутиш зарур, бунда ҳар бир босқичда қатнашчилардан ҳар бирининг манфаатлари ва хулосалари келишилиши керак;

тўртинчидан, ривожланган инфратузилмаси (транспорт, алоқа, газ, нефть қувурлари, озиқ-овқат ташиш ва бошқа коммуникациялар) мавжудлиги минтақавий интеграциянинг ҳал қилувчи шarti ҳисобланади, улардан интеграция ҳамдўстлиги барча аъзоларининг манфаатлари йўлида самарали фойдаланиш зарур;

бешинчидан, Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари бир томонлама парча-парча иқтисодиётга, ички бозорнинг энг кўп сиғимига эга. Шу сабабли бошқа ривожланган минтақавий иттифоқлар тажрибасидан келиб чиқиб, улар, минтақавий ҳамдўстлик манфаатларига дахл етказмаган ҳолда, учинчи мамлакатлар билан савдо ва ҳамкорлик қилиш учун қулай ва фойдали шарт-шароитларни ўзаро келишишлари керак.

2-БОБ. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ

2.1. Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий интеграция жараёнларида иштирок этиши

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён унинг халқаро иқтисодий алоқалари тобора кенгайиб, ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон тўла ҳуқуқли асосда энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотлар таркибига кирган бўлиб, дунёнинг барча қитъаларидаги ўнлаб мамлакатлар билан дўстона алоқаларни ривожлантириб бормоқда. Энг йирик банк ва молия органлари, нодавлат ва ҳукумат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларни шакллантиришда Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ ишлаб чиқилган куйидаги асосий тамойилларга амал қилмоқда:

Биринчидан, ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда давлат миллий манфаатларининг устунлиги;

Иккинчидан, тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

Учинчидан, мафкуравий қарашлардан қатъий назар ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;

Тўртинчидан, халқаро ҳуқуқ нормаларининг давлат ички нормаларидан устуворлиги;

Бешинчидан, ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳақида фикр юритар экан, шундай дейди: «Биз ташқи алоқаларни халқаро муносабатларнинг турли йўналишлари бўйича

муваффақиятли ривожлантиришни хавфсизлик ва барқарорликнинг кафолати деб биламиз. Ўзбекистон дунё учун очик. Биз ҳам дунёнинг Ўзбекистонга жуда катта қизиқиш билан қараётганлигини ҳис этмоқдамиз. Бу эса Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши учун энг яхши кафолатдир...».

Биз жаҳон ҳамжамияти билан кенг кўламда интеграциялашган замонавий демократик давлатни қуришдан иборат стратегик вазифани ҳал қилар эканмиз, жаҳон ҳамжамиятининг ўзи бугунги кунда серқирра бўлиб бораётганлигини яхши тушунамиз. XX аср охирида дунёда жуғрофий-сиёсий аҳамияти ва кўлами жиҳатидан ноёб ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу ўзгаришлар бетакрор. Улар нафақат мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда вужудга келган қарашлар ва уларнинг механизмларини чуқур ўйлаб кўришни, балки кўп жиҳатидан қайта баҳолашни ҳам талаб қилади.

Бугун дунё яхлит ва бир-бирига боғлиқ тизим бўлиб бормоқда. Бу ҳол ҳозирги замонавий халқаро муносабатларни шакллантиришда, халқаро тузилмалар билан ўзаро алоқаларда ва мутлақо янгича ёндашувларни ишлаб чиқишни зарур қилиб қўймоқда.

XXI аср, шубҳасиз халқаро муносабатларда бутун дунё қамраб олинган аср бўлади. Бундай шароитда интеграция жараёнини, халқаро институтлар ва ташкилотларда суверен давлатларнинг иштирок этишини кенгайтириш жараёнини фақат тарих тақозоси деб эмас, балки айрим минтақалар кўламида ҳам, шунингдек умуман бутун сайёрамиз кўламида ҳам собитқадамлик, барқарорликнинг қудратли омили деб ҳисобламоқ зарур.

Ўзбекистон бир вақтнинг ўзида турли даражаларда – дунё миқёсида ва минтақа кўламида – интеграция жараёнларида қатнашсада, бироқ бир муҳим қоидага: бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмасликка амал қилади. Шу сабабли Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашуви серқирра жараёндир.

Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувнинг таркибий қисми давлатларнинг турли минтақавий бирлашмалари билан алоқаларни ривожлантиришдан иборатдир.

Халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳам бир қатор минтақавий халқаро ташкилотлар ва интеграция уюшмалари билан самарали ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириб бормоқда.

Ўзбекистон минтақавий халқаро ташкилотлар, чунончи Европа иттифоқи, ЕХҲТ, ЕТТБ, ХРУ, ХРРБ, ХМК, ХВФ, ОРБ, ИКХА ва бошқалар билан кенг кўламли халқаро алоқаларни кучайтирмоқда.

Ўзбекистон минтақавий барқарорлик минтақа кўламида интеграция жараёнларини ривожлантириш масалаларида асосий эътиборни қаратар экан, унинг МОҲ, МДҲ ва ИҲТ сингари интеграция уюшмаларида қатнашуви тобора чуқурлашиб бормоқда. Бу эса, унинг халқаро алоқаларида ўз ифодасини топмоқда.

Халқаро иқтисодий алоқаларнинг олий шакли бу жаҳон хўжалиги интеграция алоқаларидир. Иқтисодий интеграция ғоят мураккаб жараён бўлганидан унга хос ҳодисаларни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш мумкин.

Жаҳон хўжалигидаги иқтисодий интеграция – миллий бозор ва мамлакатлар миллий хўжаликлари ўртасидаги миллий боғлиқлик, ҳамжиҳат ривожланишни таъминлаш, турли мамлакатлар доирасида ресурсларнинг эркин ҳаракат қилиши, ягона умумий бозор ташкил қилиш мақсадларида бирлашувидир.

Иқтисодий интеграцияга яна бошқа бир тарафни ҳам келтириб ўтишимиз мумкин.

Иқтисодий интеграция – миллий хўжаликлар ўртасида чуқур, барқарор ўзаро алоқалар ва меҳнат тақсимоти, уларнинг турли босқич ва ҳар хил шаклдаги такрорий ишлаб чиқариш тузилмаларининг ўзаро алоқалари ўртасида мамлакатларнинг хўжалик-сиёсий жиҳатидан бирлашуви жараёнидир.

Дунёдаги иқтисодий алоқалар азалдан мавжуддир, лекин улар ҳамиша ҳам интеграцияларни билдирмайди. Ғоят юксак поғонага чиққан алоқалар интеграцияни заруриятга айлантиради. Халқаро интеграция учун учта шарт талаб этилади.

Биринчидан, машиналашган ишлаб чиқариш чуқур ихтисослашади ва ташқи алоқаларсиз ривожлана олмай қолади.

Иккинчидан, турли мамлакатлар иқтисодий даражасида ғоят катта тафовут бўлмайди, уларнинг даражаси бир-бирига яқин туради.

Учинчидан, турли мамлакатлар ҳудудий умумийликка эга бўлиб, уларнинг тарихан ривожланган алоқалари мавжуд бўлади. Мана шу шартлар борлигидан Ғарбий Европадаги иқтисодий интеграция 60-йилларда бошланиб, ҳозир ҳам давом этмоқда. Шимолий Америкада маҳсулотларни сотиб олиш заруратидан холи бўлиши, сўнгра эса нефть ҳамда уни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳисобига экспорт имкониятларини кўпайтириши лозим.

Ўзбекистон Марказий Осиёда ва МДҲ доирасида пахта етиштирувчи асосий мамлакат бўлиб ҳисобланади. Агар бутун Марказий Осиё мамлакатлари 2 млн. тонна пахта толаси етиштирса, унинг 1,4 млн. тоннаси ўзбек толасидир. Ўзбекистон пахта толаси етиштириш бўйича дунёда 4 ўринда, уни экспорт қилиш бўйича эса 2 ўринда туради.

Республика сабзавот, мева, узум етиштириш бўйича ҳам катта ютуқларга эришмоқда. Юртимизда етиштириладиган меваларнинг мазаси бутун дунёда машҳурдир. Ҳозир Ўзбекистонда 5 млн. тоннага яқин мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилади. Бу республика эҳтиёжидан анча ортиқдир.

Ҳудди шунингдек, пахта хом-ашёсини ва мева-сабзавот маҳсулотларини етиштиришдан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон ушбу соҳаларда ҳам жаҳон бозорида етарлича ҳамкорлик қилиш имкониятига эгадир.

Ўзбекистон ҳудудидаги мавжуд транспорт ва телекоммуникацион тармоқлар қўшимча маблағ сарфламасдан янги ишлаб чиқаришни ривожлантириш имконини беради.

Ўзбекистон газ узатиш тизими МДХ давлатларининг ягона газ қувири тизимига киради. У Марказий Осиё, Россия ва Украина каби Европа давлатларига газ узатиш техник имконияти билан биргаликда 9 та бош газ қувурларини ўз ичига олади. Ўзбекистон газ транспорт тармоғи нафақат Ўрта Осиё учун, балки МДХнинг Европа қисми давлатлари ва Кавказ орти учун ҳам умум давлат аҳамиятига эгадир.

Республикада юк ва йўловчиларни мамлакат ичкарисида ва ташқарисига ташишни МДХ, яқин ва узоқ хориж мамлакатлари билан иқтисодий алоқаларни таъминловчи тармоқланган транспорт тизими шаклланди. Ўзбекистон Қозоғистон Республикаси билан мустаҳкам транспорт алоқасига эга. Бу алоқа орқали республикамизнинг Россия, Хитой, Осиёнинг бошқа давлатлари ва Тинч Океани региони автойўлларига чиқиши таъминланади.

Ўзбекистоннинг бевосита иштирокида Трансosiё магистралининг бир қисми ҳисобланган Жанубий-Шарқий Осиёни Ғарбий Европа билан туташтирадиган ва Трассибир магистралидан 1500 км. қисқа бўлган Тажан-Серахс-Машҳад янги йўли ишга туширилди. Шу билан бир қаторда Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатларига Поти порти орқали Европа билан боғланиш имкониятини берувчи Туркменистон ва Транскавказ йўли орқали ўтган транспорт йўлаги ўзлаштирилди.

Республика автомобил йўллари тармоғи ривожланишининг асосий кўрсаткичлари бўйича МДХ мамлакатлари орасида етакчи ўринда туради. Мавжуд автомобил йўллари республика ҳудуди орқали Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Афғонистон, улар орқали эса Покистон, Ҳиндистон, Эрон, Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари йўлларига транзит юк ва йўловчиларнинг узлуксиз ўтишини таъминлайди.

Ўзбекистон миллий авиакомпанияси А-310, Ил-86, ТУ-154 ва бошқа шу каби замонавий ҳаво лайнерларига ва маҳаллий йўлларга мўлжалланган кўп миқдордаги ҳаво кемаларига эга.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон МДХнинг барча йирик шаҳарлари ва жаҳоннинг 20 та давлати: АҚШ, Германия, Буюк Британия, Швейцария, Ҳиндистон, Туркия, Саудия Арабистони, Исроил, Жанубий Корея, Сингапур ва бошқа давлатлар билан бевосита ҳаво йўллари орқали боғланган.

Президентимиз И.Каримов Корея билан иқтисодий алоқаларимизнинг тобора кенгайиб бораётганлигини таъкидлаб «Навоий аэропорти базасида эркин индустриал – иқтисодий зонани ташкил этиш, шунингдек, Навоий шаҳрида янги барпо этилган аэродромни халқаро оператор – Кореянинг «Кореан Эйр» компанияси бошқарувига бериш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши туфайлими олдимизда катта истикболлар очилади. Халқаро интермодал логистика марказининг ташкил этилиши ундан нафақат Жануби-Шарқий Осиёни Европа билан боғлайдиган қитъалараро транспорт-экспедиция узели сифатида фойдаланиш имконини беради. Айни пайтда у Навоий вилояти ва қўшни ҳудудларда янги, юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш учун зарур шароилар яратади»¹⁷.

Ўзбекистон ривожланган телекоммуникация тармоғига эга. Республикада телефон тармоғи хизматидан 1,5 млн.дан ортиқ обонент фойдаланмоқда. Телефон тармоғи абонентларига маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон хизматлари, уяли ва пейжинг алоқаси хизматлари кўрсатилмоқда.

Мавжуд транспорт ва телекоммуникацион тармоқларнинг ривожланиши, Ўзбекистоннинг дунё миқёсидаги нуфузини оширмоқда ва унинг халқаро алоқаларини янада кучайтирмоқда.

¹⁷ Каримов И.А. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари». –Т., «Ўзбекистон», 2009. 51-52-бетлар.

Саёҳатни ривожлантириш учун имкониятларимиз жуда катта. Республика худудида 4 мингдан ортиқ меъморлик ёдгорликлари мавжуд. Уларнинг кўпларини ЮНЕСКО ўз муҳофазасига олган.

2.2. Халқаро иқтисодий интеграцияни кенгайтиришда ташқи иқтисодий сиёсат ва иқтисодий алоқаларнинг ривожлантириш йўналишлари

Маълумки, Ўзбекистон бир неча ўн йиллар мобайнида собиқ Иттифок таркибида бўлиб, унинг иқтисодиёти бошқа социалистик мамлакатлар сингари марказлашган режалаштириш механизми орқали тартибга солинадиган маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган эди. Бундай шароитда табиийки, бозор иқтисодиётининг асосий тартибга солувчилари бўлмиш талаб, таклиф ва рақобатга ўрин бўлмаслиги аниқ. Халқаро муносабатлар соҳасида эса, Ўзбекистоннинг имкониятлари бутунлай чегараланган эди.

Мустақиллик йиллари очиқ иқтисодиёт пойдеворини вужудга келтириш учун зарур сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий негизларни яратиш йиллари бўлди. Тоталитар тузум тугатилиши билан Иттифокнинг ташқи савдодаги давлат яккаҳоқимлиги ва шу билан бирга ташқи алоқаларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар, экспорт ва импорт бир марказдан шакллантирувчи умумиттифок тизими, валюта ресурсларининг умумиттифок даражасида қайта тақсимланиши тартиби барҳам топди¹⁸.

Умумиттифок ташқи савдо ва ташқи иқтисодий тузилмалари парчаланиб кетганлиги сабабли республикамизда бундай тузилмалар амалда мавжуд эмас эди. Жаҳон бозоридаги аҳвол ва унинг талаб-эҳтиёжлари соҳасидаги билимларимиз ҳам заиф эди, ташқи савдо маҳоратини эгаллай олган малакали мутахассислар мутлақо етишмасди. Вужудга келган вазият ташқи иқтисодий мажмуани бошқаришнинг ўзига хос тизимини зудлик билан

¹⁸ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. 102-бет.

шакллантиришни, ташқи алоқаларни йўлга қўйиш борасида ўз қоидаларимизни ишлаб чиқишни, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиш йўлларини мустақил равишда белгилашни тақозо этди. Бу эса маъмурий чеклашларни кескин қисқартирди ва уларни умум қабул қилинган халқаро меъёрлар ва қоидалар, ташқи савдони бошқаришнинг бозор воситалари билан алмаштириб, ташқи иқтисодий фаолиятни аста-секин эркинлаштиришни долзарб вазифа қилиб қўйди.

Мустақиллик йилларида ташқи сиёсатимизни йўлга қўйишнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилди ва изчил амалга оширилди. Бу тамойиллар, аввало, Ўзбекистоннинг ўз ташқи сиёсатини тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларга аралашмаслик негизида қуришга интилаётганлигидан келиб чиқади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама шартнома муносабатларида ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатиш, халқаро иқтисодий иттифоклар доирасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш қоидасига изчиллик билан амал қилиб келди. Мамлакатнинг жаҳон хўжалик алоқаларида, халқаро меҳнат тақсимоотида кенг миқёсда иштирок этиши очиқ турдаги иқтисодиётни барпо этишнинг асоси бўлиб хизмат қилди.

Мустақилликнинг илк йилларидаёқ Ўзбекистонни дунёдаги кўплаб давлатлар, шу жумладан, буюклиги эътироф этилган АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция ва Хитой каби ривожланган давлатлар тан олиб, иқтисодиётнинг турли соҳаларида ўзаро алоқаларни ривожлантира бошладилар.

Иқтисодий ислохотларнинг илк босқичларида Ўзбекистон Республикаси кўп томонлама халқаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилотларига аъзо бўлиб, улар фаолиятида иштирок эта бошлади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий муассасалари, Жаҳон банки, Халқаро меҳнат ташкилоти, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти каби ва бошқа обрў-эътиборли халқаро молиявий-иқтисодий ташкилотлар ишлар жумласидандир.

Кўпгина халқаро ташкилотлар – БМТ, ХВФ, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа Иттифоқи Комиссияси ва бошқа ташкилотлар республикада ўзларининг минтақавий ваколатхоналарини очди ва ўзбекистонлик шериклар билан фаол ҳамкорлик қила бошлади.

1992 йил 21 сентябрда Ўзбекистон Жаҳон банкига аъзо бўлди ва унинг олдидаги мажбуриятларини бажариш учун 12,1 млн. АҚШ доллари миқдорида бадал тўлади. Жаҳон банки 1993 йилда Тошкентда ўз ваколатхонасини очди ва шу йили умумий қиймати 25 млн. АҚШ долларига тенг бўлган институтционал ривожланиш бўйича техник ёрдам лойиҳасини ишга туширди¹⁹.

1992 йилда Ўзбекистон Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕБРР) га аъзо бўлди ва 1993 йилда мазкур ташкилот Ўзбекистонда бир қатор лойиҳаларини жорий этди²⁰.

1994 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Тарифлар ва савдо Бош Битими (ГАТТ) га кузатувчи мақомини олди.

2001 йил ноябрда БМТнинг қишлоқ хўжалиги савдоси ташкилоти (ФАО)га аъзо бўлди. 2002 йил йилда Қишлоқ хўжалиги савдоси ташкилоти Ўзбекистонда 350 минг АҚШ долларлик лойиҳани амалга оширди.

1992 йилда Ислом тараққиёт банки билан биринчи алоқалар бошланди.

2003 йилда Ўзбекистон ҳукумати ва ИТБ вакиллари томонидан 2004-2006 йилда ўзаро манфаатли ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Шуни айтиш керакки, Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ҳам узоқ муддатли, ҳам қисқа муддатли аҳамиятга эга бўлган энг муҳим вазифаларни бирга қўшиш мақсадларидан келиб чиқиб амалга оширилди ва келгусида ҳам шундай бўлиб қолади.

Ислоҳотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида республиканинг ташқи иқтисодий мажмуасини мутлақо янгидан шакллантиришга ташқи иқтисодий фаолиятни бошқаришнинг моҳият эътибори билан янги механизмини вужудга келтиришга тўғри келди. Мустақилликнинг уч йилида

¹⁹ Ўзбекистон бизнес информацион портали www.uzreport.uz

²⁰ Ибрагимова Ю. Тошкент Дунё ишбилармонлари нигоҳида. Туркистон газетаси. 2003 йил, май.

Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқаларни ислоҳ қилиш, аввало ташкилий – ҳуқуқий жиҳатдан сезиларли равишда илгари силжиди. Дунёнинг бир қанча мамлакатларида савдо уйлари очилди. Ўзбекистон билан АҚШ, Буюк Британия, Германияда ҳамда фаол ҳамкорлик қилишдан манфаатдор бўлган бошқа мамлакатлар ўртасида баҳамжиҳатлик асосида савдо-саноат палаталари барпо этилди.

2002 йил 10 июнда Қозоғистон, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон, Россия Федерацияси, Тожикистон ва Ўзбекистон давлат бошлиқлари томонидан Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Хартияси – асосий низом ҳужжатига қўл қўйилди. Ўзбекистон бу ташкилотга 2001 йилда аъзо бўлган эди²¹. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлиш Ўзбекистон ва ташкилот аъзолари учун икки томонлама манфаатли. Иштирокчи давлатлар учун Ўзбекистон муҳим стратегик шерик бўлиб ҳисобланади. Чунки тарихий “Буюк Ипак Йўли” нинг қайта тикланишида Ўзбекистоннинг иштироки муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон учун эса бу Европа ва Осиё-Тинч – Океани минтақасига чиқиш учун ишончли йўл ҳисобланади ва иштирокчи мамлакатлар билан турли йўналишдаги алоқаларни ривожлантириш имкониятини беради.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ташқи алоқаларни кенгайтириш ва ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида бутун ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш учун ҳуқуқий негизларни яратиб берган асосий қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари чиқди. Булар, аввало, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”, “Чет эл инвестициялари ва хорижий сармоядорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида” ги қонунлар ҳамда бошқа қонуний ва меъёрий ҳужжатлар бўлиб, улар ташқи иқтисодий алоқаларни амалга ошириш, ташқи иқтисодий фаолият соҳасида халқаро шартномалар тузиш ва уларни бажариш учун асосий шарт-шароитни яратишга имкон берди. Республиканинг иқтисодий манфаатларини, Ўзбекистоннинг хориждаги юридик шахслар ва

²¹ Ўзбекистон бизнес информацион портали www.uzreport.uz

фуқароларини ҳимоя қилишни таъминлашга, республика ҳудудида ажнабий сармоядорлар фаолияти учун ҳуқуқий кафолатларни белгилаб беришга имконият яратади.

Ташқи савдо алоқаларини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида бир талай имтиёзлар жорий этилди. Ташқи савдо билан биргаликда иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа шакллари ҳам сезиларли даражада ривожланди. Хорижий капитал иштирокида корхоналар барпо этиш, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини рўйхатдан ўтказиш ва четга чиқариладиган маҳсулот учун рухсатнома бериш тартиби анчагина соддалаштирилди.

Хорижий капиталларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда қуйидаги тамойиллар асос қилиб олинди:

- ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;

- республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш;

- маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишларда жамлаш.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг энг муҳим йўналишларидан бири, экспортнинг рентабел шакли ва бинобарин конвертацияланадиган валюта келишининг тезлашиши ҳамда иқтисодий ўсишнинг жиддий омили ҳисобланган халқаро туризмнинг ташкил этилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистоннинг жаҳон туристик ташкилотига кириши (1993 й.) бу йўлдаги муҳим кадам бўлди. 1999 йил апрелининг ўрталарида Ўзбекистон Президенти Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришнинг Давлат дастурини тасдиқлаган Фармони имзолади. Шу йилнинг августида мамлакат парламенти томонидан “Туризм тўғрисида” ги қонун қабул қилинди.

Ҳозирги пайтда туризм Ўзбекистонда давлат хазинасига кўплаб валюта тушумлари манбаси ҳисобланади.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кўшилишида дунё мамлакатлари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлик ҳал қилувчи ўринга эга бўлиб, бу миллий иқтисодиётнинг байналмилаллашувини кучайтиради ҳамда иқтисодий тараққиётини юқори босқичга кўтаришнинг асосий ташқи омиллари ҳисобланади²².

Ташқи иқтисодий сиёсат – давлатнинг ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солиш ва ишлаб чиқарши омилларининг халқаро тақсимланишида мамлакат иштирокини мақбуллаштириш режимини белгилашга доир бир мақсадга йўналтирилган фаолиятидир²³. Ташқи иқтисодий сиёсатнинг асосий таркибий қисмлари – ташқи савдо сиёсати (экспорт ва импорт сиёсатини ўз ичига олади), чет эл инвестицияларини жалб этиш ва хориждаги миллий капитал қуйилмаларини тартибга солиш соҳасидаги сиёсат, валюта сиёсати. Бундан ташқари, алоҳида олинган давлатлар ва минтақалар билан ташқи иқтисодий операцияларни жўғрофий жиҳатдан мувозанатлаштириш вазифалари ҳам ташқи иқтисодий сиёсатни ҳал этадики, бу ҳол мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш билан боғланган.

Пухта ўйланган ва мувозанатли ташқи иқтисодий сиёсат давлат ташқи сиёсатининг ажралмас қисми сифатида мамлакатнинг ташқи иқтисодий манфаатларини таъминлаш ва амалга ошириш мақсадларига хизмат қилади, миллий иқтисодиётни жаҳон бозорлари конъюктурасининг кескин ўзгаришларидан ҳимоя қилишга, унинг жаҳон хўжалигига уйғун кўшилишига фаол кўмаклашишга даъват этилгандир.

Ташқи иқтисодий сиёсат ташқи иқтисодий фаолиятни ҳам тартибга солади. Кўпчилик давлатларда мавжуд бўлган ташқи иқтисодий сиёсат воситаларининг кенг доираси уларга ўз ташқи иқтисодий алоқалари таркибини ва уларни ривожлантириш йўналишларини шакллантиришга ҳам,

²² Шодмонов Ш.Ш, Фафуров У.В., Иқтисодиёт назарияси. Т.: «Иқтисод-Молия» нашриёти, 2010, 391-бет

²³ Ҳамедов И.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти асослари. Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт жамғармаси» нашриёти, 2001, 38-бет

бошқа мамлакатларнинг ташқи иқтисодий алоқалари ва ташқи иқтисодий сиёсатига ҳам фаол таъсир кўрсатиш имконини беради. Ташқи иқтисодий сиёсат воситаларининг ушбу доирасини савдо-сиёсий механизм сифатида таърифлаш мумкин.

Самарали ташқи иқтисодий сиёсатни шакллантириш учун унинг асосий қоида (принцип)ларини аниқ ва равшан белгилаш лозим. Чунончи, ташқи иқтисодий сиёсатда ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиларининг ҳатти-ҳаракатларини иқтисодий-ҳуқуқий тартибга солишга асосий ўрин ажратилади, токи умуммиллий манфаатларга жавоб берсин.

Мустақиллик йилларида ташқи сиёсатимизни йўлга қўйишнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилди ва изчил амалга оширилди. Бу тамойиллар, аввало, Ўзбекистоннинг ўз ташқи сиёсатини тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик негизида қуришга интилаётганлигидан келиб чиқади²⁴.

Ҳукумат жаҳон хўжалиги ва бозорига нисбатан миллий иқтисодиётнинг янада очик бўлишига йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишга киришди. Бироқ Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалик алоқаларига тўғридан-тўғри бевосита кириш жараёни «катта сакраш» кўринишида амалга оширилиши мумкин эмас. Бу жараён босқичма-босқич, объектив таркибий шарт-шароитлар етилишига қараб ва бутун хўжалик механизмини, хусусан унинг ташқи иқтисодий секторини ислоҳ қилиш билан ривожланиб боради.

Миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигига муносиб тарзда киришига йўналтирилган стратегия реал вазиятдан келиб чиқиб, Республика иқтисодий салоҳиятини объектив баҳолаш негизида қурилади, у навқирон давлатни сиёсий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий мақсадларини ҳал этишга йўналтирилган. Ўн йиллар мобайнида шаклланган маъмурий-режали тизим таназзулга учраган вазиятда «очик эшиклар» сиёсати, хўжаликни, шу жумладан ташқи иқтисодий алоқаларни бозорга мослаб жадал

²⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: “Ўзбекистон”, 1995. 103-бет.

эркинлаштириш ижтимоий-иқтисодий нобарқарорликни кескинлаштиришга, иқтисодий инқирозни чуқурлаштиришга олиб келиши мумкин эди. Экспортнинг биттагина товарга ихтисослашгани, озиқ-овқат ва саноат товарлари импортига чуқур боғлиқлик Республика иқтисодиётини ночор холга тушириб қўйди, реал иқтисодий ва сиёсий суверенитетни таъминлаш, товар ва хизматлар, ишчи кучи ва капитал бозорларини жадал суръатларда шакллантириш имконини бермади.

Буларнинг ҳаммаси ҳукуматни шок усулларидан воз кечишга ва Ўзбекистоннинг реал шароитларига яқинлаштирилган ташқи иқтисодий сиёсат моделини танлашга мажбур этди. Аввало иқтисодий ва ижтимоий хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқишни рўёбга чиқариш бошлаб юборилди; мамлакатда ишлаб чиқариладиган маҳсулотни қайта ишлашни чуқурлаштириш, энг қимматбаҳо импортни сиқиб чиқарадиган ишлаб чиқаришларни ривожлантириш кўзда тутилди. Бунинг натажасида иқтисодиётнинг стратегик муҳим ресурслар билан ўзини ўзи таъминлаши ошди, иш билан бандлик барқарорлашди, валютани тежаш ва ундан янада самарали фойдаланиш амалга оширилди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий сиёсати мустақилликнинг дастлабки босқичларида қуйидаги вазифаларни ҳал этди:

- экспорт-импорт операцияларини марказлаштиришдан чиқариш;
- давлат эҳтиёжлари учун товарлар экспорти ва импорти устидан назоратни кучайтириш;
- давлат учун стратегик муҳим ҳисобланмайдиган товарлар экспортини соддалаштириш;
- стратегик муҳим товарлар экспортдан олинган валюта тушуми устидан назоратни кучайтириш;
- давлат сиёсатининг барча чораларини қўллаб чет эл инвестициялари жалб этилишини ва экспорт салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантириш.

Шу тариқа, бозор иқтисодиётига ўтишнинг мураккаб шароитларида жаҳон бозорларига чиқиш эркинлаштириш ва протекционизм чора-

тадбирлари бириккан изчил, пухта ўйланган таркибий ва саноат сиёсатига таянадиган сиёсат бўлди, чунки бундай шароитларда корхоналарнинг монетаристик «табиий» танланишини ва улар фаолиятининг натижаларидан қатъи назар мамлакат ишлаб чиқарувчиларининг монопол мавқеларини сунъий равишда мустаҳкамлайдиган кенг қамровли протекционизмни қўллаб бўлмайди.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсатининг асосида тўртта асосий қоида ётади:

- ташқи иқтисодий фаолиятда қатнашишга қобил тармоқлар ва минтақаларни ривожлантириш сиёсатини ишлаб чиқарадиган давлатнинг ўзгартирувчилик фаолияти, шу жумладан мазкур фаолиятнинг божхона механизми ва чет эл инвестициялари учун қулай режим;

- мамлакат хўжалик юритувчи субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини асосан бир галги ташқи иқтисодий битимлардан ташқи бозорларни ушлаб туриш ва кенгайтиришга узоқ муддатли йўналтирилган, улар умумий хўжалик фаолиятининг доимий ва узвий қисми сифатида ташқи иқтисодий фаолиятга йўналтириш;

- ташқи иқтисодий фаолият функцияларини ҳокимият шоҳобчалари, республика ва ҳудудий бошқарув органлари ҳамда тармоқ идоралари ўртасида аниқ тақсимлаш;

- жаҳон бозорида республика экспортчилари учун қулай шароитларни яратиш мамлакат ташқи сиёсатининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолишга даъват этилган.

Одатда бозор иқтисодиётига ўтган мамлакатларда фойдаланиладиган ташқи иқтисодий тартибга солишнинг анъанавий воситалари Ўзбекистонда ҳам одатий воситаларга айланмоқда. Экспорт тарифидан (у саноати ривожланган мамлакатларда қўлланилмайди) изчил воз кечиш ташқи савдодан бюджет даромадларини кўпайтиришни таъминлайдиган экспорт фаолиятини рағбатлантириш билан сўзсиз бирга бориши керак. Экспортни тартибга солиш экспорт божларидан фойдаланиш йўли билан эмас, балки

жаҳон амалиётида умум қабул қилинган прогрессив солиқ солиш тизими орқали амалга оширилади.

Хўжаликнинг бозор тизимига ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солишнинг иқтисодий воситалари мувофиқ келади, бироқ улардан фойдаланиш самарадорлиги маълум чегараларга эгадир. Жаҳон тажрибасининг гувоҳлик беришича, иқтисодиётнинг ҳолати кескин ёмонлашган, инфляциялар ва ички ҳамда жаҳон нархлари ўртасида кескин тафовутлар пайдо бўлган даврларда ҳукумат чекланган ресурсларни сафарбар қилиш ва яхшироқ ишлашини кўзлаб, экспорт-импорт операцияларини тартибга солишнинг маъмурий воситаларига мурожаат қилишга мажбур бўлади.

Бироқ маъмурий тартибга солиш репрессив тусдаги қаттиққўл воситалардан фойдаланишга олиб келмаслиги керак. Бундай воситаларнинг жаҳон амалиёти томонидаи ишлаб чиқилган бутун мажмуидан фойдаланиш лозим; кўп мамлакатларда ташқи иқтисодий операцияларни бошқариш чораларининг комплекс тизимини яратадиган квоталаш ва лицензиялашнинг ўнлаб турлари қўлланади. Бу чораларнинг мақсади савдони чеклаш эмас, балки унинг ривожланишини назорат қилиш бўлиши керак.

Маъмурий воситалардан фойдаланиш Ўзбекистонда жаҳонда умум қабул қилинган ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солиш қоидалари билан бирикади. Хусусан, республикада бундай воситалар вақтинчалик воситалар сифатида белгиланган; уларни савдодаги барча шерикларга тадбиқ қилиш (фақат ривожланаётган мамлакатларга нисбатан истисно қилинган) ва фақат қабул қилинган қонун хўжжатлари асосида тартибга солиш русум-қоидаларини ўзгартириш мумкинлиги кўзда тутилган.

Бозор муносабатлари мустаҳкамланиб бориши билан қонун доирасида ўз жавобгарлигидан келиб чиқиб фаолият кўрсатадиган, мулкчиликнинг исталган шаклидаги мустақил корхоналар ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий субъектларига айланиши керак. Давлатнинг асосий вазифаси эса – ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ва ушбу субъектларнинг ташқи иқтисодий

фаолиятини енгиллаштиришдир. Давлатнинг ташқи иқтисодий сиёсати куйидагиларни таъминлаши керак:

- мамлакат корхоналарининг машина ва ускуналар, технология ва ахборотлар, капиталлар жаҳон бозорларига, транспорт коммуникацияларига кира олиши; корхоналар маҳсулотининг трансмиллий корпорациялар назорат қиладиган ёки чет эл давлатлари ва улар иттифоқларининг протенционистик ғовлари билан ҳимояланган бозорларга кириб боришига сиёсий, молиявий ва ахборот мададини кўрсатиш;

- чет эл мамлакатлари ва уларнинг савдо-иқтисодий гуруҳлари, ташкилот ва иттифоқлари билан муносабатларда қулай савдо ва сиёсий режимни барпо этиш, мавжуд ва эҳтимолий камситувчи чеклашларни олиб ташлаш, МДҲ мамлакатлари билан муносабатларда турли савдо-иқтисодий ғовларни баргараф этиш;

- кредитор мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда валюта-молия муаммоларини узоқ муддатга тартибга солиш;

- Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қиладигайи самарадор тизимни шакллантириш (валюта, экспорт, божхона назората ва ҳоказо)²⁵.

2.3. Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви ва диверсификациялаш даражасининг асосий кўрсаткичлари ҳолати таҳлили

Бугунги кунга келиб Ўзбекистон иқтисодиётининг турли тармоқларида дунёнинг турли мамлакатлари билан ташқи иқтисодий алоқалар амалга оширилмоқда. Мазкур алоқалар маҳсулотлар ва хизматлар савдоси, илмий-техник соҳадаги айирбошлаш, хорижий сармояларни жалб этиш, халқаро туризм, халқаро ишчи кучи миграцияси каби иқтисодиётнинг муҳим соҳаларида амалга оширилмоқда. Олиб борилаётган фаол ташқи иқтисодий

²⁵ Ҳамедов И.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти асослари. Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси «Адабиёт жамғармаси» нашриёти, 2001, 43-бет

сиёсатнинг самарали натижаси ўлароқ сўнгги йилларда мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятида сезиларли натижаларга эришилди.

Экспорт салоҳиятини юксалтириш, унинг ҳажмини ошириш, таркибини такомиллаштириш, географиясини кенгайтириш муҳим ва долзарб вазифалардан бири бўлиб, бир вақтнинг ўзида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг мураккаб вазифалари қаторига киради.

Экспорт диверсификацияси, яъни хорижга сотилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасининг кенгайиши, жами экспортда алоҳида товар ёки хизмат тури (айниқса, хом ашё) улушининг катта бўлишига барҳам берилиши, маҳсулотларимиз экспорт қилинаётган мамлакатлар географиясини кенгайтириш экспорт ҳажмининг барқарор бўлишини таъминлайди, миллий иқтисодиётнинг ташқи бозордаги салбий ўзаришларга таъсирчанлиги даражасини пасайтиради.

2010 йилнинг январ-декабрида ташқи савдо айланмаси 21844,2 млн. АҚШ долларини, жумладан МДХ давлатлари билан 9424,6 млн. АҚШ долларини, бошқа мамлакатлар билан 12419,6 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Ташқи савдо айланмаси умумий ҳажмининг 13044,5 млн. АҚШ долларини экспорт операциялари, 8799,7 млн. АҚШ долларини импорт операциялари ташкил этди.

Импортни экспорт билан қоплаш даражаси 148,2 фоизни (ўтган йилнинг январ-декабрида 124,7 фоизни) ташкил қилди.


Ижобий ташқи савдо сальдоси 4244,8 млн. АҚШ долларини, шу жумладан МДХ давлатлари билан 2372,8 млн. АҚШ доллари, бошқа давлатлар билан 1872,0 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

Президентимиз томонидан маърузада илгари сурилган тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтириш вазифасини амалга ошириш экспорт ҳажмини барқарор ўстириш, ташқи бозордаги ўзгаришлар таъсирида унинг ҳажми кескин камайиши хавфини

бартаф этиш имконини беради. “Кейинги вақтда жаҳон бозорида нархи кескин тушиб кетган хом ашё ресурсларини экспорт қилиш амалиётидан имкон қадар тезроқ қутилиб, тайёр рақобатбардош маҳсулотлар экспортини фаол ошириш ва бу маҳсулотлар етказиб бериладиган мамлакатлар географиясини янада кенгайтиришимиз керак”²⁶.

Экспорт қилинаётган товарларни диверсификация қилиш, уларни импорт қилувчи мамлакатлар географиясини кенгайтириш бу мамлакатлардан бири ёки бир гуруҳининг иқтисодиётида муаммолар рўй берганда ҳам экспорт ҳажмининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик имконини беради.

Ўтган йиллар мобайнида экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, ташқи савдо таркибида ижобий силжишларга эришиш, унинг ҳажмини барқарор ўстириш имконини бермоқда (2.3.1-расм).



2.3.1-расм.

²⁶ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир / И.А.Каримов. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010, 64-б.

Маълумотлардан кўринадикки, республикамиз ташқи савдо айланмаси муттасил ўсиб бормоқда. Хусусан, бу кўрсаткич 2010 йилда 21844,2 млн. АҚШ долларини ташкил этиди. Ташқи савдо айланмаси 2010 йилда 2009 йилга нисбатан ўсиши 3 фоизни ташкил этди.

Айни чоғда, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирида кўпчилик мамлакатларда экспорт ҳажмининг кескин қисқариши кузатилмоқда. Жумладан, 2009 йилда экспорт ҳажмларининг қисқариши Россия Федерациясида 44,2 фоизни, Украинада 48,7 фоизни, Қозоғистонда 47,7 фоизни ташкил этди.

2005-2010 йиллар давомида экспорт ва импортни диверсификация қилиш, унинг таркибини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар натижасида мамлакатимиз экспортининг товар таркибида ижобий силжишлар рўй берди (2.3.1-жадвал).

2.3.1-жадвал. Ўзбекистон экспортининг товар таркиби

Кўрсаткичлар	2005 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил
Экспорт жами (млн. АҚШ долл.)	4853,0	11493,3	11771,3	13044,5
Экспорт жами, фоизда	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан (жамига нисбатан фоизда):				
Пахта толаси	19,1	9,3	8,6	11,3
Кимё маҳсулотлари, пластмасса ва пластмасса маҳсулотлари	5,3	5,6	5,0	5,1
Қора ва рангли металллар	9,2	7,0	5,0	6,8
Машина ва ускуналар	8,4	7,6	2,9	5,5
Озиқ-овқат маҳсулотлари	3,8	4,5	6,0	9,7
Энергия ресурслари	11,1	24,7	34,2	24,8
Хизматлар	12,2	10,4	8,8	9,1
Бошқалар	30,5	30,9	29,5	27,7

Хусусан, бошқа товарлар позициялари бўйича экспорт ҳажмининг жадал ўсиши пахта толасининг жами экспортдаги улушини 2000 йилдаги 27,5 фоиздан, 2008 йилда 9,3 фоизга, 2009 йил якунларига кўра эса 8,6 фоизгача пасайишига олиб келди, бу кўрсаткич 2010 йил якунларига келиб эса 11,3 фоизни ташкил этди.


2005-2010 йилларда республикаимиз импорти таркибида ижобий силжишлар рўй берди. Мамлакатни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш тадбирларининг кенг миёсда амалга оширилишини таъминлаш жами импорт ҳажмида машина ва ускуналар импорти улушининг жадал ўсишига олиб келди (2.3.2-жадвал).

2.3.2-жадвал. Ўзбекистон импортининг товар таркиби

Кўрсаткичлар	2005 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил
Импорт жами (млн. АҚШ долл.)	4091,3	9704,0	9438,3	8799,7
Импорт жами, фоизда	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан (жамига нисбатан фоизда):				
Кимё маҳсулотлари, пластмасса ва пластмасса маҳсулотлари	13,6	11,6	11,1	14,3
Қора ва рангли металллар	10,3	7,7	6,3	8,4
Машина ва ускуналар	43,3	52,4	56,5	44,1
Озиқ-овқат маҳсулотлари	7,0	8,3	9,0	10,9
Энергия ресурслари	2,5	4,6	5,3	6,0
Хизматлар	10,4	4,4	4,4	4,7
Бошқалар	12,9	11,0	9,2	11,6

Ташқи савдо айланмаси, хусусан экспортнинг географик таркибида МДХ мамлакатларининг улуши 2009 йил якунларига кўра 33,3 фоизни ташкил этди, 2010 йилга келиб эса 45,2 фоизга ошди (2.3.2-расм). 2009 йилда мамлақтимиз корхоналари экспортининг 21,0 фоизи Россия Федерацияси, 7,2 фоизи Украина, 6,2 фоизи Қозоғистон ҳиссасига тўғри келди.

2.3.2-расм



Жами экспорт таркибида узок хориж давлатларига қилинган экспортнинг 2009 йилда 66,7 фоизни, 2010 йилга келиб эса 54,8 фоизни ташкил этди. Бу мамлакатлар бўйича мамлакатимиз экспортининг диферсификациялашув даражаси нисбатан юқори бўлмоқда. Жумладан, 2009 йил маълумотларига кўра, фақат Хитой (9,7%), Швейцария (7,9%), Афғонистон (3,3%), Туркия (3,2%), Эрон (2,7%), Германия (2,2%), АҚШ (1,7%) мамлакатларига экспорт ҳажмининг мамлакатимиз экспортидаги улуши 1 фоиздан кўпроқни ташкил этади.

Республикаимиз экспорти ва импортининг товар ва географик таркибини такомиллаштириш орқали рақобатбардошликни ошириш бир қатор вазибаларнинг амалга оширилишини тақозо этади (2.3.3-расм).



2.3.3-расм.

Хорижий давлатларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган, ёки ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин бўлган маҳсулотларга бўлган талабни ўрганиш, бундай товарлар бозорларига кириб бориш ва рақобат қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш экспорт қилинаётган товарлар сонини ва мамлакатлар географиясини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатади. “Бу борада янги бозорлар, янги транспорт йўлакларини топиш, бир сўз билан

айтганда фаол маркетингга асосланган ташқи иқтисодий сиёсат юргизиш зарур”²⁷.

Жаҳон бозорларида корхоналаримиз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлашда қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади:

- экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулот тайёрлаш ва сотиш харажатларини камайтиришда кўмаклашиш;
- уларни ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, истиқболли бозорлар, рақобатчилар тўғрисида олиб борилган тадқиқотлар натижалари билан таништириш;
- транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантириш;
- янги транспорт йўлакларини очиш орқали транспорт харажатларини камайтириш ва ҳ.к.

Бу борада ҳар бир тармоқ учун ишлаб чиқилиши кўзда тутилаётган 2010-2012 йилга мўлжалланган тайёр маҳсулотни янги ташқи бозорларга чиқариш бўйича махсус дастурларда экспорт ҳажмини ошириш, экспорт қилинадиган юкларни ташиш тизимини такомиллаштириш, экспортчи корхоналарни маркетинг, молия ва ташкилий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш масалалари ўз аксини топади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, экспорт ҳажмини ошириш, унинг таркибини такомиллаштириш, умуман ташқи савдо айланмасини дивесификация қилиш иқтисодиётимиз таркибий тузилишида сифат ўзгаришларига эришиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш орқали иқтисодий юксалиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада кўтариш мақсадларига хизмат қилади.

Экспорт оламида муайян давлатларда у ёки бу товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришда мутлақ ҳамда nisбий устунликка эгалик тушунчалари

²⁷ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир / И.А.Каримов. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010, 64-б.

нуқтаи назардан Ҳамдўстлик мамлакатлари ичида Ўзбекистонга хос яна шундай устунлик борки, улар қуйидаги соҳаларда намоён бўлади

Республикамизнинг енгил саноат шиддат билан ривожланиб, жаҳон бозорида янги – янги марраларни забт этмоқда. Мисол учун, 1995 йилда Европа ҳамжамиятига аъзо давлатлар импорт таркибида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотларининг салмоғи 0,35 фоизни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2009 йилда 9 фоиздан ошди²⁸.

1995 йилдан буён тармоққа 900,0 млн. долларлик инвестиция киритилиши бу тизимдаги корхоналарнинг асосий фондларини қисқа вақт ичида янгилаш ва замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тегишли шароит яратди. Натижада экспорт миқдори 8 баробар ошиб, унинг ҳажми 33,9 млн. доллардан (1995) 239,4 млн долларга (2005) етди. Агар 1995 йилда мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган пахта толасининг 12 фоизи қайта ишланган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этмоқда²⁹.

Бундан ташқари, енгил саноат тармоғида 2004-2010 йилларда чет эл инвесторлари иштирокида 29 та қўшма корхона ишга туширилгани ҳам яқин истиқболда соҳанинг экспорт салоҳиятини янада оширишга пухта замин яратди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тармоғининг бугунги кундаги салоҳияти ва соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳам экспорт борасида ғоят катта имкониятлар борлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилинаётганда унинг товар кўринишига, тараси ва дизайнига жиддий эътибор қаратиш зарур. Чунки улар, бир томондан, маҳсулотимизга бўлган талабни кўпайтиришга, иккинчи томондан, айнан шундай маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи бошқа давлатлар билан рағбатлашувда катта роль ўйнайди.

²⁸ Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2009 год, Ташкент 2010 г.


²⁹ Хамраев О. Экспорт салоҳиятимиз истиқболи, Халқ сўзи 2006 йил 15 март.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотини экспорт қилувчи жисмоний ва юридик шахслар маҳсулотини ташишда транспорт воситалари билан таъминлаш ҳам экспорт ҳажмини оширишнинг таъсирчан воситасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши, айниқса, мазкур тизимда янада самарали таркибий ўзгаришларни амалга оширишда ғоят муҳим аҳмият касб этмоқда. Мазкур ҳужжатдан кўзланган асосий мақсад боғлар ва узумзорларни ҳақиқий эгаларига бериш, халқаро миқёсда Ўзбекистон боғдорчигининг мавқеини янада мустаҳкамлаш ҳамда саҳоватли заминимизда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини ошириш, уларни қайта ишлаш орқали экспорт таркибини турли консервалар, қуруқ мевалар ва узумчилик маҳсулотлари билан бойитишдир. Сўнги йилларда мамлакатимизнинг олиб бораётган ташқи сиёсати, ташқи савдо айланмасини ўсиш сураётларини сақлаган ҳолда, асосан экспорт ҳажмини ошириб, аксинча импорт ҳажмини камайитиришга қаратилмоқда(2.3.4-расм).

2.3.4-расм

Ташқи савдо айланмасида МДХ ва бошқа давлатларнинг улуши қуйидагича ифодаланади:



Президентимиз таъкидлаганидек, ҳозирги кунда экспорт борасидаги энг муҳим вазифа эса амалдаги маъмурий, божхона, банк, процедураларини чуқур таҳлил қилиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган рақобатга бардошли маҳсулотларни экспорт қилиш йўлида ғов бўлиб турган барча тўсиқларни олиб ташлаш, экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга нисбатан имтиёз ва қулайликлар яратиш, шунингдек, ҳозирги кескин халқаро рақобат шароитида ўз маҳсулотини хорижга сотаётган ишлаб чиқарувчиларимиз экспортини кредитлаш ҳамда суғурталаш механизмларини жорий этиш масаласини ҳал этишдан иборат³⁰.

Ушбу масалаларнинг ҳал этилиши мамлакатимизнинг кун сайин юксалиб бораётган экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, бу эса, ўз навбатида, миллий иқтисодиётимизнинг барқарорлигини мустаҳкамлаш, халқаро иқтисодий майдонда рўй бераётган ўзгаришларга нисбатан ўзимизнинг мустақил иқтисодий сиёсатимизни юритиш учун тегишли шарт-шароит ва моддий асос яратади.

³⁰ Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим, Халқ сўзи 2006 йил, 11 феврал, №29.

3-БОБ. ЎЗБЕКИТОНДА ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯНИ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИ ТАКОМИЛ-ЛАШТИРИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Халқаро валюта-кредит муносабатларини ривожлантириш иқтисодий интеграцияни ривожлантиришнинг устувор йўналиши сифатида

Мустақилликка эришилгунига қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда халқаро валюта операциялари амалга оширилмаган. Ташқи савдо фаолияти билан шуғулланадиган корхоналар собиқ иттифоқ Ташқи иқтисодий банкининг Москвадаги бош офисида ёки унинг Тошкентдаги филиалида ўз валюта ҳисоб варақларини очганлар. Ўша пайтларда ташқи иқтисодий банк чет эл валютасига доир операцияларни амалга оширувчи ягона банк эди.

Собиқ иттифоқ таназзулга учрагач, вазият тубдан ўзгарди. 1991 йил сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ташкил этилди, у ўз зиммасига ташқи савдо оборотига хизмат кўрсатишга доир асосий функцияларни олди³¹.

Айни пайтда бошқа тижорат банклари чет эл валютаси билан операцияларни ўтказишга бош лицензияни олиб, содир этиладиган валюта операцияларининг тур ва ҳажмларини ривожлантира бошладилар.

Қуйидагилар Ўзбекистон валюта операциялари ҳисобланади:

- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш чоғида мулкчилик ҳуқуқининг валюта бойликларига ўтиши билан боғлиқ операциялар, шу жумладан, тўлов воситаси сифатида чет эл валютасидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси пул бирлигидан фойдаланиш билан боғлиқ операциялар;

- валюта бойликларини Ўзбекистон Республикасига хориждан олиб кириш ва жўнатиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан хорижга олиб чиқиш ва жўнатиш

³¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур фармонида қаралсин.

- халқаро пул ўтказувчиларини амалга ошириш.

Ўзбекистонда ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси (ЎзРВБ), банклараро бозор, айирбошлаш пунктлари орқали нақд чет эл валютаси бозори фаолият кўрсатапти.

1994 йил 1 июлда миллий валюта – сўм жорий этилганидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси бошқариладиган сузувчи валюта курсига амал қила бошлади. Ўша вақтда, яъни 1994 йил 1 июлда сўмнинг расмий алмаштириш курси бир АҚШ долларига 7 сўмни ташкил этди³².

Бошқа 30 валюта ва МДҲ нинг расмий курслари АҚШ долларига нисбатан белгиланди. Ҳозирги вақтда ҳафтада икки марта Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки белгилайдиган битта айирбошлаш курси мавжуд. Ташқи савдо обороти Республика ЯИМнинг анчагина улушини ташкил этишини ҳисобга олиб, айирбошлаш курсининг ўрнатилиши миллий иқтисодий ривожлантириш истиқболлари ҳам белгилайди. Сўмнинг юқори айирбошлаш курсида (яъни доллар арзонлашганда) хориждан тайёр маҳсулотни импорт қилувчилар сони кўпаяди, холбуки, бундай ишлаб чиқаришни республиканинг ўзида ҳам ривожлантириш мумкин. Савдо операцияларининг фойда келтириши ва ўзини тезда қоплашини ҳисобга олганда ушбу ҳолда савдо операциялари учун валютага талаб кучли даражада ошиши мумкин.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олганда валюта айирбошлаш курсининг барқарорлигига таъсир этадиган қуйидаги омилларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) бирламчи омиллар:

- *чакана нархлар инфляцияси кўрсаткичи*, агар айирбошлаш курсининг динамикаси инфляция суръатларилан орқада қолса ва импорт товарлари анча арзонлашса, у чет эл валютасига талабнинг аста секин ўсиб боришини юзага келтиради;

³² Ҳамедов И.А., Алимов А.М. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолияти асослари. Т.: 2001, 127-бет.

- *савдо баланси сальдоси*, пул-кредитни тартибга солиш органлари тасарруфида қоладиган, Республика резидентларини чет эллик шериклар билан ҳисоб-китоблар учун валюта сотиб олишга ундайдиган чет эл валютаси чегириб ташлангач;

- *пул массасини ўстириш суръатлари*, шу жумладан, нақдсиз суммалар айниқса товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарилиши билан таъминланмаган кредит эмиссияси қисмида;

- валюта биржасида марказий банк томонидан *чет эл валютасини сотиш ҳажмларидаги ўзгартиришлар*.

2) иккиламчи омиллар:

- банк ҳисоб варақларидан *нақд пулларни олишга доир мавжуд чекловлар* нақдсиз валютага бўлган талабни кўпайтиради:

- майда тадбиркорларнинг солиқлардан қочиш мақсадида олинган фойдани кейин яшириш учун импорт товарларни харид қилишга нақд валютада ҳисоб – китоблардан фойдаланишга уринишлари. Мазкур тамойиллар банк тизимининг ривожаланиш даражасидан қатъий назар амалда дунёнинг барча мамлакатларида мавжуд ва уларнинг олдини фақат солиқ ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари амалга оширадиган самарали тадбирлар билан олиш мумкин;

- *Республика импорти таркиби*, хом ашё, тайёр маҳсулот ва халқ истеъмоли товарлари харидорларининг ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда улар талаби айирбошлаш курсининг ўзгаришига турлича муносабатда бўлади;

- *нақд валютанинг айирбошлаш пунктлари орқали* ваколатли банклар томонидан сотилиши, бу талабга жуда қисқа муддатли режада таъсир кўрсатади;

- *нолегал бозор курси*, талаб ва таклифнинг мувозанатини ёки бозорга киришга чеклашларни жорий этишни ҳисобга олиб шаклланади;

- *кейинчалик айирбошлаш учун эркин конвертацияланадиган валютага талаб*, уни МДХга аъзо мамлакатлар билан контрактлари бўлган, яъни кейин

Россия рубли, Қозоғистон тенгеси ва ҳоказоларга алмаштириш учун валюта сотиб оладиган корхона ва ташкилотлар яратади.

Ўзбекистон Республикасида валюта назорати, валюта назорати органлари ва уларнинг агентлари томонидан амалга оширилади. Республикада Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси валюта назорати органлари ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг қонун ҳужжатларига мувофиқ валюта назорати функцияларини амалга ошириши мумкин бўлган ташкилотлар валюта назорати агентлари ҳисобланади.

1997 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон валюта тизими сўмнинг тўртта расмий курси мавжудлиги билан характерланади: аукционерларнинг айирбошлаш курси, тижжорат банкларининг курси, расмий айирбошлаш курси ва айирбошлаш пунктларининг курси.

Аукционларнинг айирбошлаш курси, гарчи у моҳиятига кўра бозор томонидан талаб ва таклиф асосида белгиланиши керак бўлсада, амалда Марказий Банк томонидан белгиланади, яъни у чет эл валютасининг асосий қисмини ушбу бозорга таклиф этади. Аукционнинг айирбошлаш курси бўйича чет эл валютаси асосан йирик корхоналарга, инвестицион ва оралик товарлар импорти, импорт товарлари ва хизматларининг давлат харидлари, давлат ва кафолатланган ташқи қарзга хизмат кўрсатиш, шунингдек энг зарур истеъмол товарлари импорти учун сотилади.

Тижжорат банкларининг айирбошлаш курси 1997 йил 1 январдан жорий этилган. У ҳам моҳиятига кўра банклараро валюта бозорида эркин белгиланиши керак.

Расмий айирбошлаш курси ўтган ҳафта учун аукцион айирбошлаш курслари билан тижжорат банкларининг ўртача ҳисобланган курси сифатида белгиланади. Расмий айирбошлаш курси ҳисоб мақсадлари ва божхона божларини тўлаш учун ишлатилади.

Айирбошлаш пунктларининг курси ҳам мавжуд қонун ҳужжатларига мувофиқ эркин белгиланиши керак, лекин ҳақиқатда Марказий Банк томонидан белгиланади ва амалда тижорат банкларининг курсидан фарқ қилмайди. Бу бозорда таклифнинг асосий манбаи фуқаролардан чет эл валютасини сотиб олишдир.

Санаб ўтилган айирбошлаш курсларидан ташқари чет эл валютасининг норасмий бозори ҳам мавжуд. У сўмнинг расмий айирбошлаш курси оширилганлиги ва расмий курслар бўйича чет эл валютасини сотишда мавжуд чеклашлар оқибатида пайдо бўлган. Бугунги кунда давлатимизда валюта айирбошлаш операциялари жараёнида олиб борилаётган бир қанча тадбирлар натижасида расмий ва норасмий айирбошлаш курслари ўртасидаги фарқ камайиб борапти.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро молия ташкилотларига киришининг, ушбу ташкилотларга аъзолиги ва Республикани ривожлантириш учун улар имкониятларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари мамлакат ҳукумати 1992 йил 2 июлда қабул қилган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг халқаро валюта фондига, халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банкига, халқаро тараққиёт уюшмасига, халқаро молия корпорациясига, инвестициялар кафолати кўп тарафли агентлигига аъзолиги тўғрисида”ги махсус қонуни билан белгиланди. Ўзбекистоннинг ХВФ га 1992 йил 21 сентябрда аъзо бўлиши мамлакатнинг чет эл мамлакатлари билан амалга оширадиган халқаро кредит муносабатларини ривожлантириш йўлига қўйилган илк қадами бўлди. Кейинроқ, 1993 йил сентябрида Тошкентда ХВФнинг минтақавий ваколатхонаси очилди. ХВФ миссияси кўмак ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ёрдам ва консалтинг хизматларини кўрсата бошлади. ХВФ саъй-ҳаракатлари ҳукуматнинг пул ва валюта сиёсатини ўтказишдаги имкониятларини такомиллаштиришга, статистика маълумотларини йиғиш, уларни таҳлил қилиш, банк фаолияти устидан назорат қилиш ва иқтисодиётнинг заиф соҳаларини аниқлашга йўналтирилган.

Жаҳон банки, ХВФ ва бошқа молия ва кредит ташкилотлари билан ҳамкорликнинг самарадорлигини кучайтириш мамлакатимизда иқтисодий эркинлаштириш жараёнида муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз.

3.2. Хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш иқтисодий интеграцияни ривожлантиришнинг устувор йўналиши сифатида

Ўзбекистон иқтисодиёти учун иқтисодий ривожланишни молиялаштиришнинг ташқи манбалари ниҳоятда долзарб аҳамият касб этмоқда. Чет эл капиталини жалб қилишнинг жаҳон амалиёти икки асосий турдан — жаҳон бозорида рақобатбардош тармоқларни ривожлантириш учун қарзлар олиш ва бу ерда ўз ишини йўлга қуёвчи ёки қўшма ишлаб чиқаришда иштирок этувчи чет эл тадбиркорлари бевосита кириб келиши учун бозорни очишдан иборат.

Биринчи тур биз учун истиқболли эмас. Илгари шундай йўл тутиб, ташқи қарздорлик «ўраси»га тушиб қолган мамлакатларнинг (Лотин Америкаси ва шарқий Европанинг кўпгина давлатлари) тажрибасини эсга олиш кифоя. Республика томонидан давлат миқёсида янги қўламли заёмларни олиш муаммолари, ташқи қарздорлик, заём маблағларидан фойдаланишнинг ҳозирча унчалик юқори бўлмаган самарадорлиги ва шу каби омилларни ҳам ҳисобга олмоқ керак.

Ўз вақтида «янги саноатлашган мамлакатлар» (ЯСМ) деб ном олган мамлакатларнинг кўпчилиги фойдаланган иккинчи йўл қолади. Бу – умуман, тадбиркорликни ҳар томонлама рағбатлантириш ва иқтисодий эркинлаштиришнинг истиқболли тармоқларида чет эл инвесторлари учун фойдали шарт-шароитлар яратиш йўлидир. Бу йўлда ҳеч қандай муаммолар учрамайди деб ўйламаслик керак. Бирок, улардаги иқтисодий ўсишнинг муҳим ва барқарор юксак суръатлари бу йўлнинг умидбахшлигидан далолат бермоқда.

Инвестицияларнинг жалб этилишида савдо-иқтисодий режимнинг умумий қоидаларини ҳам, инвестицион ҳамкорликни ҳам тартибга солувчи

халқаро ва давлатлараро шартномаларнинг шаклланиб бораётган тизими катта таъсирга эга.

Ўзбекистон Республикаси Германия, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Туркия, Индонезия, Малайзия, Исроил, АҚШ ва бир қатор бошқа мамлакатлар билан инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш тўғрисида битимлар тузди.

Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларига давлат-ҳуқуқий ҳимоя таъминланади. Чет эл инвестициялари учун ҳуқуқий режим Ўзбекистон Республикасининг ўхшаш юридик ва жисмоний шахслари учун тегишли бўлган режимга қараганда камроқ қулайликка эга бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасининг устун тармоқларига йўналтириладиган чет эл инвестициялари учун қўшимча имтиёзлар белгиланади.

Чет эл инвесторлари учун зарур молия-иқтисодий кафолатларни таъминлаш учун ҳукумат томонидан чет эл инвесторларини ҳимоялашнинг Миллий суғурта жамғармасини барпо этиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Бу жамғарма республика ҳудудида таъсис этилган чет эл банкларида Ўзбекистон Республикаси, хориж капитали иштирокидаги суғурта компаниялари валюта қадриятларининг бир қисмини депонентлаш йўли билан ҳосил қилинади.

Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициясини ҳимоялаш расмий давлат суғурта агентлиги ҳисобланган суғурталаш тизими ва чет эл суғурта компаниялари иштирокидаги қўшма суғурта компаниялари орқали таъминланади. Чет эл инвестициялари бўлган корхоналарни рўйхатдан ўтказиш тартибини соддалаштириш учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Хусусан, ҳозирдаёқ давлат органлари томонидан рўйхатга олиш учун зарур бўладиган ҳужжатлар кўриб чиқилишининг қисқартирилган муддатлари белгиланган. Чет эл инвесторлари учун мақбул солиқ муҳитининг яратилганлиги уларнинг фаолиятини рағбатлантирувчи муҳим омилдир.

Амалдаги қонунчилик чет эл инвесторларига уларга тегишли корхоналарни фойда олина бошланган даврдан бошлаб дастлабки икки йил

мобайнида даромад солиғини тўлашдан озод қилиш кўринишидаги имтиёзларни беради.

Чет эл инвестициялари бўлган корхона амалдаги қонунларга биноан ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни лицензиясиз экспортга чиқариш ва ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур маҳсулотлар импортини амалга ошириш ҳуқуқига эгадир. Ўз ишлаб чиқаришининг экспортга чиқарилаётган маҳсулотлар ва ўз эҳтиёжлари учун корхоналар томонидан импорт қилинаётган маҳсулотларнинг рўйхати ҳукумат томонидан белгиланади. Чет эл инвестицияси бўлган корхонанинг мулкidan заём воситаларини таъминловчи сифатида фойдаланилиши мумкин. Унинг бинолар, иншоотлар, ускуналарга бўлган мулкый ҳуқуқлари, шунингдек ер ва бошқа табиий бойликларга эгалик қилиш ҳамда улардан фойдаланиш ҳуқуқидан ташқари бошқа мулкый ҳуқуқлар мажбуриятларни таъминловчи сифатида ҳаракатга киришиши мумкин.



3.4.2-расм.

Бу борада тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодий тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва

худудларни ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда озод қилинади:

- 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача - 3 йил муддатга;

- 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача - 5 йил муддатга;

- 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда - 7 йил муддатга.

Бу йўналишда аниқ мақсадли иш олиб бориш нафақат инвестицияларни, балки энг аввало, илғор технология ва ноу-хауларни жалб этишни кўзда тутди. Улар эса Ўзбекистонга жаҳон бозорида ўз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради. Айтиш керакки, жиддий хорижий инвесторлар учун яратилаётган кенг истикболлар ва имкониятлар ҳамда аниқ баён этилган тараққиёт устуворликлари етакчи трансмиллий компаниялар ва корпорацияларнинг мамлакатимизга ўз инвестицияларини олиб киришига юқори даражада интилишини таъминлайди. Сўнгги йилларда жалб этилган ҳамда изчил ва барқарор иқтисодий ўсиш, янги юқори технологияли иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли даромади даражасини кўтаришнинг ишончли манбаига айланган узоқ муддатли инвестициялар ҳажми 35 миллиард доллардан ошди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқлари бўлган нефть-газ ва нефть-кимё соҳаларида «Хитой миллий нефть корпорацияси», Жанубий Африканинг «Сасол», Малайзиянинг «Петронас», Кореянинг «Лотте», «LG international», «SK» корпорациялари, Корея миллий нефть корпорацияси, Корея миллий газ корпорацияси, Россиянинг «Газпром» ва «Лукойл», Американинг «Техасо», Япониянинг «Мицуи» ва «Марубени» корпорациялари, машинасозлик соҳасида – Американинг «Женерал Моторс», Германиянинг «МАН», Япониянинг «Исузу»; авиация инфратузилмаси ва мультимодал логистика соҳасида – Кореянинг «Кореян Эйр» ва Япониянинг

«Мицубиси»; озиқ-овқат ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида – Швейцариянинг «Нестле», Англия-Американинг «ВАТ», кимё соҳасида – Испаниянинг «Максам»; тўқимачилик ва енгил саноат соҳаларида – Кореянинг «ДЭУ интернэйшнл», Ҳиндистоннинг «Спентекс», Япониянинг «Мицубиси» ва бошқа ўнлаб хорижий компаниялар, банк-молия секторида «Royal Bank of Scotland», «Корея Тараққиёт банки» ва ҳоказолар яқин шериклар ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хорижий инвесторлар билан биргаликда фаолият олиб бораётган қўшма корхоналарнинг сони 4 мингдан ошди.

3.3. Глобаллашув шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни ва иқтисодиётни диверсификациялашни кучайтириш истиқболлари

Президент И.А.Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарида таъкидлаганларидек: «... интеграциялашган глобал иқтисодий маконнинг узвий бир қисми сифатида Ўзбекистон жаҳон иқтисодий инқирозининг тобора кучайиб бораётган салбий оқибатларини ҳис этишини биз ўзимизга яхши тасаввур қиламиз. Шундан келиб чиққан ҳолда, биз иқтисодиётимиздаги реал аҳвол ва шароитларни ҳисобга олиб, 2008 йилнинг иккинчи ярмидаёқ Инқирозга қарши чоралар дастурини ишлаб чиқишга киришган эдик»³³.

Ўзбекистоннинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури бу жараён узоқ давом этиши ва унинг иқтисодиётимизга таъсири бир мунча муддатга чўзилиши мумкинлигини назарда тутди. Асосийси, ушбу дастур инқироз доирасидан чиқиб, инқироздан кейинги ривожланишни ҳам камраб олади. Унинг ўзига хос жиҳати шундаки, дастур иқтисодиётни давлат томонидан фаол инқирозга қарши тартибга солишга асосланади ва инқирозга қаршилиқ кўрсатишнинг устувор устувор вазифаларини амалга оширишни назарда тутди. Бу, ўз навбатида,

³³ Каримов И.А. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари». –Т., «Ўзбекистон», 2009. 31-32-бетлар.

мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий ва молиявий хавфсизлигини таъминлайди. Мамлакатдаги бозор ислохотлари иқтисодиётнинг барқарор ўсиши учун бозорнинг ўзини ўзи тартибга солиши етарли эмас. Шу боис давлат томонидан уни фаол тартибга солиш зарур, деган қоидадан келиб чиқилади. Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда давлат ҳал қилувчи ролни бажаради. Айти вақтда давлат иқтисодиётга маъмурий йўл билан эмас, балки молиявий-иқтисодий дастаклар ёрдамида ва ўзининг молиявий ресурсларига таяниб таъсир кўрсатиши кераклиги асарда қайд этилган.

Инқирозга қарши чоралар дастури иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришга асосий эътиборни қаратади, унинг иқтисодиётнинг молиявий секторини мустаҳкамлашга таъсирини кучайтиради. Демак, Инқирозга қарши чоралар дастурида иқтисодиётнинг реал ва молиявий секторлари ўртасидаги диалектик алоқа инобатга олинган. Зеро, уларнинг ўзаро муносабатлари самарали эканлиги миллий иқтисодиёт ривожланишининг муҳим омили ҳисобланади.

Инқирозга қарши чоралар ишлаб чиқаришни янада реконструкция қилиш ва иқтисодиётни диверсификациялашни назарда тутаяди. Диверсификация ишлаб чиқариш тузилишининг ўзгаришини, хилма-хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилишини билдиради. Бу маҳсулотлар бир-бирини тўлдириши керак. Уларнинг сотилиши эҳтимол тутилган йўқотишларнинг ўрнини қоплаши ва бу билан иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш лозим.

Инқирозга қарши чоралар дастурида иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг устувор йўналишлари ҳам белгиланган. Унда ҳозирги глобаллашув шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни ва иқтисодий интеграция жараёнларини кучайтириш инқирозга қарши асосий тўсиқлардан бири деб баҳоланишини англаш мумкин.

Глобаллашув жараёнининг ҳозирги босқичидаги муҳим йўналишлардан бири – Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш

хамда жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув жараёнларини кучайтириш ҳисобланади. Бу борада мамлакатимизнинг кўплаб мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиши, жаҳондаги турли иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланиши эътиборга моликдир.

Ҳозирги даврда Республиканинг ташқи иқтисодий фаолиятидаги асосий стратегияси импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ташкил қилиш билан бирга экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ўзининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини кучайтиришдан иборат.

Республикада бозор ислоҳотларини амалга ошириш моделининг асосий таркибий қисмлардан бири ташқи савдодир. Давлат экспорт сиёсати мустақиллик йиллари давомида биринчи навбатда керакли ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларни яратишга қаратилган эди, бу пировард натижада ташқи савдо айланмаси тузилмасидаги ижобий ўзгаришларга:

- нефть ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари ҳамда энергия ташувчилари экспорт базасининг кенгайтирилиши;
- импорт тузилмасидаги силжишлар – энергия ташувчилари, буғдой, ғалла улушининг камайтирилиши ҳамда машинасозлик маҳсулоти импорти ҳажмларининг ортиши;
- ташқи савдонинг эквивалентлиги ҳамда ўзаро товар етказиб бериш ҳажмларининг тенг кучлилиги муаммоларининг сусайиши;
- Марказий Осиё минтақасида ташқи иқтисодий интеграциянинг кучайтирилишига олиб келади.

Президентимиз И.А.Каримов ҳозирги молиявий-иқтисодий инқироз шароитида бир нарсага эътибор беришимиз кераклигига тўхтаб: «Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Бунинг тасдиғини ташқи дунё билан алоқаларимиз тобора кенгайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар кўмагида иқтисодиёт

тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларнинг амалга оширилаётганида, Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимига интеграциялашувида, маҳсулот ва товарлар импорти ва экспортининг ўсиб боришида ва бошқа мисолларда яққол кўришимиз мумкин»³⁴.

Экспортнинг хом ашёга йўналтирилганлиги сақланиб келаверса миллий хўжаликнинг заифлиги ортади, чунки унинг самарадорлиги кўпроқ жаҳон хом ашё бозорларининг конъюнктурасига боғлиқ бўлиб қолади, бу бозорларнинг аҳволи эса етарли даражада барқарор эмас ва тез-тез жиддий ўзгаришларга учраб туради. Пахта, газ, рангли металллар, олтин бозорлари конъюнктурасининг ёмонлашиши мамлакат иқтисодиётини ҳалокат ёқасига келтириб қўйиши мумкин, чунки республикамизда экспортнинг 50%дан кўпроғи ушбу ресурсларга тўғри келади.

Бу борада И.А.Каримов шундай таъкидлайдилар: «Жаҳон бозорида талабнинг пасайиб бориши оқибатида Ўзбекистон экспорт қиладиган қимматбаҳо ва рангли металллар, пахта, уран, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотларнинг нархи тушиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектлар ва инвесторларнинг экспортдан оладиган тушумлари камайишига олиб келади. Уларнинг фойда кўришига ва ишлаб чиқариш рентабеллигига, охир-оқибатда эса макроиқтисодий кўрсаткичларимизнинг ўсиш суръатлари ва иқтисодиётимизнинг бошқа томонларига салбий таъсир этади»³⁵.

Бундай шароитларда бизнинг фикримизча қуйидагилар Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсатининг имтиёзли йўналишлари бўлиши лозим:

- ташқи иқтисодий фаолиятни мақсадга йўналтирилган ҳолда либераллаштириш сиёсатини ўтказиш;

- экспорт ва импорт тузилмасини, уларнинг ишлаб чиқариш салоҳиётини ривожлантириш йўли билан такомиллаштириш;

³⁴ Каримов И.А. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари». –Т., «Ўзбекистон», 2009. 11-бет.

³⁵ Каримов И.А. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари». –Т., «Ўзбекистон», 2009. 12-бет.

- республикамиздаги экспортга мўлжалланган, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш;
- хорижий капитални аввало моддий экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришга жалб қилиш;
- Ўзбекистонни жаҳон транспорт коммуникацияларига интеграциялашувини ривожлантириш.

Юқори техникавий савиядаги тайёр маҳсулот улушининг оширилиши юқорида айтиб ўтилган чора-тадбирлар ичида муҳим ўрин тутиши лозим, бунинг учун эса қуйидагиларни бажариш зарур:

- республикамиздаги экспортчиларнинг маҳсулотини сотиш бозорини шакллантиришда муҳим роль ўйновчи хорижий мамлакатлардаги корхоналар билан Ўзбекистондаги экспортчи корхоналар ўртасида кооперация алоқаларининг шаклланишига кўмаклашиш;

- чуқур қайта ишлаш маҳсулотларини юқори технология ва илм талаб қилувчи буюмлар ишлаб чиқариладиган экспортга мўлжалланган ишлаб чиқариш соҳаси ва унинг таркибини такомиллаштириш;

- экспортнинг интеллектуал мулк объектлари лицензияларини ҳамда ноу-хау шаклида техника ва тижорат сирларини сотиш, инжиниринг ва лизинг соҳаларида хизматлар кўрсатиш каби турини ривожлантириш йўли билан республикамизда эришилган фан-техника ютуқларининг жаҳон хўжалиги айланмасига кириб боришини тезлаштириш.

- илмий лойиҳаларга, хусусан, амалий фан ва технологиялар трансферти соҳасидаги илмий лойиҳаларга бозор йўналишини бериш учун шароитлар яратиш мақсадида инновацияларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш;

- инновация жараёнини давлат томонидан ва тижорий қўллаб-қувватлашнинг оптимал уйғунлашувининг асосий йўллари белгилаб олиш ҳамда илмий-техникавий лойиҳаларни тижорат аҳамиятига эга бўлган натижалар даражасигача етказиш;

- ўзбек олимлари ва мутахассисларининг чет элдаги етакчи институтлар, ташкилот ва фирмалар билан ҳамкорлигини кенгайтириш ва чуқурлаштириш;

- юқори даражали маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, тижоратлаштириш ва технологиялар менежменти соҳасидаги ютуқларни ўрганиш, хорижий бозорларнинг конъюнктураси сиғими, талабнинг мавжудлиги ҳамда рақобатчиларнинг нарх сиёсати, кооперация, қўшма корхоналар ташкил этиш бўйича ҳамкорлар қидириш юзасидан таҳлилий маълумотларни ўрганиш зарур бўлади.

Ташқи иқтисодий фаолиятда эркин иқтисодий зоналар ҳам алоҳида ўрин тутди. Дунё мамлакатларининг иқтисодий интеграциялашуви, эркин иқтисодий зоналарни шакллантиришни тақазо этади. Улар халқаро хўжалик алоқаларида муҳим аҳамият касб этади.

Эркин иқтисодий зоналар турли мамлакатлардаги хорижий ва миллий тадбиркорлар фаолияти учун имтиёзли иқтисодий шарт-шароитлар яратилган ҳудудлар бўлиб, улар иқтисодий ўсишни тўминлаш, социал ва экологик муаммоларни ечиш бартараф этиш мақсадида ташкил этилади. Эркин иқтисодий зоналар ўзининг фаолият йўналишига қараб турлича бўлиши мумкин:

1. Эркин савдо зоналарида бож бекор қилинади ёки унинг миқдори анча паст бўлади, экспорт-импорт устидан назорат бўлмайди.

2. Экспортга мўлжалланган саноат зоналарида хорижий капиталга солиқ имтиёзи берилади, бож пули камайтиради. Бундай имтиёз миллий капиталга ҳам берилади. Бундан кўзланган бош мақсад маълум жойларда чет эл капитали фаолиятини кучайтириб, хорижий технологияни жорий этиш, экспортни кўпайтириб валюта топиш ёки импорт қилинадиган товарлар ўрнини босувчи бошқа бир товарларни ишлаб чиқаришдан иборат бўлади.

3. Банк ва суғурта зоналари ҳам эркин иқтисодий зона туркумига киради. Бундай зоналарда банк операциялари ва суғурта ишлари учун имтиёз бўлади ва капиталнинг кириб келишига қулай шароит яратилади.

4. Эркин иқтисодий зоналарнинг махсус тури бўлиб технологик зоналар ҳисобланади. Бу ерда янги техника ва технологияларни яратиш учун имтиёзлар мавжуд бўлиб, улардан нафақат хорижий, балки миллий корхоналар ва ҳар хил ташкилотлар ҳам фойдаланади.

5. Ниҳоят комплекс характердаги алоҳида иқтисодий зоналарда ҳам савдо, ҳам саноат, ҳам технология ишлари учун қулайликлар яратилади. Бундай зоналарни ҳамма учун очик ҳудудлар деб юритилади.

Эркин иқтисодий зоналарни кўпайиши жаҳон миқёсидаги ресурслар доиравий харакатини тезлаштириб, иқтисодий самарадорликни умумжаҳон миқёсида оширишга ҳисса қўшади.

Глобаллашув шароитида ташқи иқтисодий фаолиятда эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш мамлакат иқтисодий алоқаларининг ривожлантиришнинг йўлларида бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида ЭИЗлар учун ташқи иқтисодий фаолиятнинг алоҳида тартиби (божхона, валюта, солиқ ва бошқалар) ўрнатилиши мумкин бўлиб, у эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солиб турилади. Ўзбекистонда 1996 йил 25 апрелда «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги қонун қабул қилинган.

Уларни тузишдан мақсад у ёки бу давлат ҳудудида чет эл инвесторларини жалб қилиш уларни фаолият кўрсатишлари учун қулай шароит яратиш йўли билан иқтисодий ривожланишни рағбатлантириш ҳисобланади.

Эркин иқтисодий зона-аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуддир.

Эркин иқтисодий зона-минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузилади.

Эркин иқтисодий зона ҳудудида юридик ва жисмоний шахслар молиявий ва бошқа фаолиятнинг исталган турлари билан шуғулланишига йўл қўйилади.

Охирги йилларда дунёнинг кўпчилик давлатларида эркин иқтисодий зона кенг тарқалиб бораяпти. Ҳозирги кунда жаҳонда 5000 га яқин ҳар хил очик иқтисодий зоналар мавжуд.

Россияда эркин иқтисодий зона сезиларли даражада фаолият кўрсатаётганига қарамасдан МДХ давлатларида ҳозиргача ҳам эркин иқтисодий зона тузиш, уларнинг фаолияти принципларини ҳуқуқий масалалари аниқланган эмас. МДХ давлатлари ичида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда эркин индустриал-иқтисодий зона тузишга киришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги Фармони билан Навоий вилоятида «Эркин индустриал – иқтисодий зона (ЭИИЗ)» ташкил этилиши эълон қилинди. Унинг фаолият қилиш муддати ҳозирча 30 йил қилиб белгиланган, кейинчалик яна узайтирилиши мумкин. Бу эркин индустриал – иқтисодий зонани ташкил этилиши мамлакатимизга хорижий инвестицияларни янада кўпроқ жалб этилишига олиб келади.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, «Навоий аэропорти базасида эркин индустриал – иқтисодий зонани ташкил этиш, шунингдек, Навоий шаҳрида янги барпо этилган аэродромни халқаро оператор – Кореянинг «Кореан Эйр» компанияси бошқарувига бериш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилиниши туфайли олдимизда катта истиқболлар очилади. Халқаро интермодал логистика марказининг ташкил этилиши ундан нафақат Жануби-Шарқий Осиёни Европа билан боғлайдиган қитъаларо транспорт-экспедиция узели сифатида фойдаланиш имконини беради. Айни пайтда у Навоий вилояти ва қўшни ҳудудларда янги, юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш учун зарур шароитлар яратади»³⁶.

Яна бир масалани таъкидлаб ўтишни лозим топамиз. Туризм сердаромад соҳа сифатида жаҳон иқтисодиётида муҳим ўрин эгаллайди. БМТ Жаҳон туризм ташкилоти маълумотларига кўра, дунё иқтисодиёти кўраётган даромаднинг 9,4 фоизи, яъни 5,5 триллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағ айнан ушбу соҳа ҳисобига шаклланади. Ўз навбатида, туризмга

³⁶ Каримов И.А. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари». –Т.: «Ўзбекистон», 2009. 51-52 бетлар.

дахлдор инфратузилмаларда ҳозирги кунда 220 миллиондан ортиқ кишининг меҳнат қилаётгани ҳам уни салоҳияти нечоғли юксак эканини яна бир қарра тасдиқлайди. Ана шу юқоридаги ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда, жаҳон маданияти хазинасига кирувчи кўплаб тарихий архитектура ёдгорликларига эга бўлган Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида, жумладан, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Жиззах вилоятларида халқаро туризм бўйича эркин итисодий зиналарни ташкил қилишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Халқаро туризм миллий иқтисоднинг даромадга ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг муҳим шаклларида биридир. Дунёдаги кўпчилик давлатлар туристик фаолиятини кенгайтириб жуда катта фойда оладилар. Туризмдан келадиган фойда, айрим давлатларда нефть ва газ тармоқлари билан, автомобил ишлаб чиқариш билан баҳслашади.

Айрим давлатларга туризм фаолиятдан олинадиган даромаднинг улуши ялпи миллий даромаднинг 15-35 фоизини эгаллайди. Греция, Италия, АҚШ, Франция, Италия, миср ва бошқа давлатлар шулар қаторига киради.

Туризмнинг ривожланиши билан бошқа тармоқлар ва хизмат турларини ривожланишига, муҳим социал вазифаларни ҳал қилинишига ва шунинг билан ҳозирги глобаллашув шароитида миллий иқтисодиётни янада ривожланишига олиб келади. Истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган ва савдо қиладиган корхоналар очилади, меҳмонхоналар қурилади, коммунал хўжалиги, транспорт, алоқа ва инфратузилманинг бошқа соҳалари ривож топади. Туризм ривожланган давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатаптики, бир туристга хизмат кўрсатиш учун иқтисодиётнинг турли соҳаларида 3-4 шартли ишчи жойини ташкил қилиш зарур бўлади. Диверсификациялаш тамоилларини нафақат ички сиёсатда, балки ташқи сиёсатда ҳам қўллаш мумкин ва бунинг самараси ўлароқ ижобий натижаларга эришиш мумкин. Диверсификация жараёни натижасида монополистик бирлашмалар мураккаб кўп тармоқли комплекслар шаклини олиб, уларнинг манфаатлари соҳасига кўпинча дастлабки фаолият тури билан боғлиқ бўлмаган турли корхоналар, комбинатлар, компаниялар киради.

Диверсификация – илмий-техника революцияси томонидан ҳамда капиталистик хўжалик ички зиддиятларининг кучайиши орқали вужудга келтирилган, ривожланган капиталистик мамлакатлар иқтисодиётида сифат жиҳатидан янги ҳодиса.

Диверсификация асосида, хусусан, баъзи тармоқларнинг жадал равишда ўсиши ва баъзиларининг пасайиб кетиши орқали намоён бўлувчи иқтисодиётнинг бир текисда ривожланмаслиги шароитида фирмаларнинг яшаб қолишга интилиши ётади. Диверсификация энг кўп даражада XX асрнинг 50-йиллари ўрталарида ривожланган капиталистик мамлакатларда саноат, транспорт, қурилиш тармоқларида кўзга ташланди ва тез орада барча капиталистик давлатлар учун характерли бўлиб қолди. Биринчи навбатда диверсификацияга илмий-техника революциясининг кенгайиши, рақобат курашининг янги шакллари, иқтисодиётнинг ҳарбийлаштирилиши, мазкур мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари таъсир кўрсатади. Кўп тармоқли йирик монополистик бирлашмалар биринчи навбатда янги, нисбатан фойдали тармоқлар – кимё, электроника, радиотехника тармоқларига киради. Компанияларга бир хилдаги хомашёдан турли товарларни ишлаб чиқариш, сарф-харажатларни пасайтириш, хусусан, илмий-тадқиқот фаолиятига харажатларни қисқартириш имконини берувчи маҳсулот номенклатурасини кенгайтириш, комбинациялаш йўлидан бориш фойдали ҳисобланади. Диверсификация иқтисодий инқирозларнинг йирик капиталистик бирлашмалар учун оқибатларини юмшатиб, уларнинг таъсирини пасайтиради, бироқ, товарларни ортиқча ишлаб чиқаришнинг олдини олиш воситаси бўлиб ҳисобланамайди. Диверсификация ҳам капиталнинг концентрациялашуви, ҳам капиталнинг марказлашуви асосида амалга оширилади. Биринчи ҳолатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатурасининг кенгайиши, бошқа тармоқларга кириш ўзининг хусусий жамғармалари ҳисобига амалга оширилади. Иккинчи ҳолатда эса – мазкур жараён бошқа тармоқ ва ишлаб чиқариш турларида банд бўлган капиталларнинг бирлашуви, «ютиб юборилиши» натижасида амалга

оширилади. Диверсификациялаш мақсадида молиявий муассасаларнинг инвестицион трестлар шаклларида кенг фойдаланилади. Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш энг аввало капиталистик дунёнинг энг йирик компаниялари имконияти даражасидадир. Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш натижасида, масалан, кимё компаниялари маҳсулотлари номенклатураси минглаб номда ҳисобга олиниб, одатда, универсал ҳисобланади. Етакчи концернларни диверсификациялаш усули сифатида капиталнинг марказлашуви компанияларнинг илмий-ишлаб чиқариш комплекслари таркибий тузилмасини такомиллаштириш ва оптималлаштириш билан боғлиқ янги хусусиятлари билан ажралиб турди. Баъзи ҳолларда ҳатто йирик компаниялар ҳам яқка ҳолда нисбатан қисқа муддатларда диверсификациялаш учун илмий-техник ишланмаларни ҳамда ишлаб чиқариш базасини яратишга қодир бўлмай қоладилар. Диверсификациялашнинг асосан қуйидаги жиҳатларини Ўзбекистонда амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- хўжалик фаолиятининг турли-туманлигини таъминлаш мақсадида экспорт қилинаётган маҳсулот номенклатурасини кенгайтириш;
- бизнеснинг диверсификациясини амалга ошириш – бу биринчи навбатда иқтисодий хавфсизлик томон тутиш;
- компанияларнинг ички хўжалик ресурсларини кам даромад келтирувчи соҳалардан юқори даромадли соҳаларга ўтказиш орқали енгиллик билан ўзгартира олиши имкониятини яратиш;
- диверсификациялаш орқали бизнеснинг баъзи соҳаларида олинмаган фойда бошқа соҳалардаги юқори даромад билан қоплаш йўллариини ишлаб чиқиш;
- диверсификациялашда ҳам меъёр чегараларига амал қилиш. Акс ҳолда хўжалик ресурсларининг ҳаддан ташқари «тарқатиб юборилиши», фирманинг ўз фаолиятини қандайдир бир ёки икки магистрал йўналишларда

кучли намоёиш эта олмаслиги вақт ўтиши билан унинг молиявий ҳолатини издан чиқариши, ҳаттоки банкротликка олиб келиши ҳам мумкин»³⁷;

- жаҳон хўжалигининг янги соҳалари ва бошқа тармоқларга кириб бориш орқали ишлаб чиқаришнинг янги турларини ташкил этиш;

Диверсификациялашни ушбу жиҳатларидан фойдаланиш орқали ташқи иқтисодий алоқалардан самарали ижобийна тижаларга эришиш мумкин дебўйлаймиз.

Ҳозирги давр кенг халқаро ҳамкорликни ривожлантириш билан бир қаторда чуқур ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ҳал қилишни ҳам тақозо этади. Булар ишсизликни, жаҳон мамлакатларида тез-тез рўй бериб турадиган очарчиликни, турли-туман юқумли касалликларни ва шунингдек, иқтисодий қолоқликни йўқ қилишдир. Бутун дунё жамоатчилиги диққат марказида турган бундай муаммолар, дунё мамлакатларининг ўзаро ҳамкорлик қилишини талаб этмоқда ва халқаро иқтисодий интеграция жараёнларининг тараққий этириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Глобаллашув шароитида миллий хўжаликларнинг умумжаҳон меҳнат тақсимотида фаол иштирок этиши уларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатишининг муҳим шартига айланиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий интеграция жараёнларига кириб бориши, республикамизнинг ҳам ички, ҳам ташқи салоҳиятни янада юксалтирмоқда. Ўзбекистоннинг интеграция тузилмаларидаги иштироки туфайли унинг икки томонлама ва кўп томонлама халқаро алоқалари кенгайиб бораётганлиги, дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилмоқда. Шундай экан, интеграция – Ўзбекистоннинг дунё хўжалиги тизимига кириб бориши учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу сабабли Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига қўшилиши масаласи ҳозирги кундаги энг долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Фақат

³⁷ Куликов Л.М. Экономическая теория: учеб. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2005, с.111-112.

шу йўл билангина жаҳон фан-техника ва иқтисодий тараққиёти даражасига эришиш мумкиндир.

ХУЛОСА

Халқаро иқтисодий интеграция жараёнларини тадқиқ этиш, унда вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этиш ва мазкур жараённинг энг самарали шакллари кўрсатиб беришга интилиш бу борадаги турли назарияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига олиб келди. Бундай назариялар қаторида неолиберализм, корпорационализм, структурализм, неокейнсчилик, дирижистлик йўналиши кабиларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Халқаро иқтисодий интеграция – бу турли мамлакатлар иқтисодий алоқаларининг барқарорлашиб, чуқурлашиб ривожланиши, улар хўжаликларининг чамбарчас чатишиб-чирмашиб ривожланиш жараёнларидир. Бундан кўринадики, иқтисодий интеграциялашув жараёнларининг амалга ошишини қуйидаги бир неча босқичларга ажратган ҳолда кўриб чиқиш мумкин:

- 1) иштирокчи мамлакатлар ўртасида божхона тарифлари ва бошқа чеклашларни бекор қилиб, эркин савдо ҳудудларини ташкил этиш;
- 2) савдо ва ишчи кучи, капитал айланишида ягона тарифларни ўрнатган ҳолда, божхона иттифоқи тузиш;
- 3) реал иқтисодий интеграциянинг бошланғич фазаси – Иқтисодий иттифоқнинг ташкил топиши;
- 4) ягона иқтисодий сиёсат, умумий валюта ва миллий даражадан устун турувчи тартибга солиш ташкилотларига эга тўлиқ интеграция.

Иқтисодий интеграциянинг шарт-шароитлари қуйидагилардир:

- интеграциялашаётган мамлакатлар иқтисодий ривожланиши ва бозор муносабатларидаги етуклиги даражасининг яқинлиги;
- интеграциялашаётган мамлакатларнинг жўғрофий яқинлиги, кўп ҳолларда умумий чегара ва тарихан шаклланган иқтисодий алоқаларнинг мавжудлиги;
- ривожланиш, сиёсий ҳамкорлик ва шакллар соҳасида мамлакатлар олдида турган иқтисодий ва бошқа муаммоларнинг умумийлиги.

Иқтисодий интеграция бир қатор объектив омилларга асосланган бўлиб улар орасида қуйидагилар муҳим ўрин тутди:

- хўжалик ҳаёти байналмилаллашувининг ўсиб бориши;
- халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви;
- умумжаҳон илмий-техникавий инқилобининг рўй бериши;
- миллий иқтисодиётлар очиклиги даражасининг ошиши.

Интеграция жараёнларини рағбатлантирувчи асосий омиллардан бири – миллий иқтисодиёт очиклик даражасининг ошишидир. Очик иқтисодиётнинг ўзига хос белгиси бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалик муносабатлари тизимига чуқур киришганлиги;
- товарлар, капитал, ишчи кучининг мамлакатлараро ҳаракати йўлидаги тўсиқларнинг камайтирилиши ёки тўлиқ бартараф этилиши;
- миллий валюта конвертациясининг таъминланганлиги.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви кўп даражали тизим сифатида амал қилиб, уни қуйидаги бешта даражага ажратиш мумкин: глобал; трансконтинентал; минтақалараро; минтақавий; маҳаллий.

Шунингдек, диверсификацияни илмий жиҳатдан моҳиятини ўрганиб чиқдик. **Диверсификация** – муайян тўплам таркибининг турли-туманлигини таъминлаш чора-тадбирлари. Диверсификация даражаси турли-туманлилик даражаси билан белгиланади. Диверсификациялашдан муҳим инвестиция концепцияси тариқасида фойдаланилади. У инвестиция портфели даромадлилигини пасайтирмаган ҳолда унинг рискинни пасайтиради.

Миллий иқтисодийтни диверсификациялаш, ташқи иқтисодий сиёсат юргизишда диверсификацион тамоилларга амал қилишни қуйидаги кўринишларини амалга оширилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

- ташқи иқтисодий алоқаларни иложи борича кўпроқ ва минтақавий жиҳатдан турлича бўлган мамлакатлар билан ўрнатиш лозим;
- экспорт таркибини турлича маҳсулотлар ташкил этиши лозим;

- бир хил турдаги маҳсулот ёки хизматни бир вақтнинг ўзида жаҳоннинг турлича қитъаларида жойлашган давлатларга экспорт қилиш лозим;

- иқтисодиёт учун зарур бўлган импорт маҳсулотлари ҳам экспорт сиёсатида амал қиладиган тамойил сифатида амалга оширилиши лозим;

- жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнини ташкил этишда турли мамлакатлар тажрибасини ўзимизни шароитга мослаштирган ҳолатда амалга ошириш лозим;

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий сиёсати мустақилликнинг дастлабки босқичларида қуйидаги вазифаларни ҳал этди:

- экспорт-импорт операцияларини марказлаштиришдан чиқариш;

- давлат эҳтиёжлари учун товарлар экспорти ва импорти устидан назоратни кучайтириш;

- давлат учун стратегик муҳим ҳисобланмайдиган товарлар экспортини соддалаштириш;

- стратегик муҳим товарлар экспортидан олинган валюта тушуми устидан назоратни кучайтириш;

- давлат сиёсатининг барча чораларини қўллаб чет эл инвестициялари жалб этилишини ва экспорт салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантириш.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсатининг асосида 4 та асосий қоида ётади:

- ташқи иқтисодий фаолиятда қатнашишга қобил тармоқлар ва минтақаларни ривожлантириш сиёсатини ишлаб чиқарадиган давлатнинг ўзгартирувчилик фаолияти, шу жумладан мазкур фаолиятнинг божхона механизми ва чет эл инвестициялари учун қулай режим;

- мамлакат хўжалик юритувчи субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятини асосан бир галги ташқи иқтисодий битимлардан ташқи бозорларни ушлаб туриш ва кенгайтиришга узоқ муддатли йўналтирилган, улар умумий хўжалик фаолиятининг доимий ва узвий қисми сифатида ташқи иқтисодий фаолиятга йўналтириш;

- ташқи иқтисодий фаолият функцияларини ҳокимият шоҳобчалари, республика ва ҳудудий бошқарув органлари ҳамда тармоқ идоралари ўртасида аниқ тақсимлаш;

- жаҳон бозорида республика экспортчилари учун қулай шароитларни яратиш мамлакат ташқи сиёсатининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолишга даъват этилган.

Ўзбекистон Республикасининг экспорт салоҳиятини ошириш тадбирлари сирасига қуйидагилар киради:

- корхоналарни тузилмавий қайта қуриш ва техник модернизациялаш учун зарур ҳажмда молиявий воситалар ажратиш;

- экспортни кафолатлаш ва суғурта қилиш диаграммалари ташкил қилиш учун маблағ ажратиш;

- ҳар бир вилоят ва йирик шаҳарда маркетинг тадқиқотлари марказлари очиб, уларнинг фаолиятини дунё бозорига рақобатбардош товарлар чиқариш ва реклама хизмати кўрсатишга йўналтириш;

- биринчи навбатда, харидорлари ҳали ўзбек маҳсулотларини унутиб улгурмаган МДҲ мамлакатларида дилерлар, савдо уйлари ва консигнацион омборларнинг кенг тармоғини яратиш.

Ташқи савдо, иқтисодий, илмий ва маданий алоқаларда устуворлик қуйидагиларга берилади:

- республиканинг экспорт имкониятларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш ҳамда импортнинг ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналарни жадал ривожлантириш;

- ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш бўйича аниқ мақсадни кўзлаган сиёсат юритиш, хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатилишида катта эркинлик бериш, ўз маҳсулотларини чет элда сотиш, товарларни экспорт ва импорт қилишда имтиёзлироқ тартибни жорий этиш;

- имтиёзли бошқарув ва солиқ тартибини вужудга келтириш йўли билан экспорт ишлаб чиқариш соҳасида корхоналарнинг инвестиция ва инновация

фаолиятини рағбатлантириш;

- хорижий инвестицияларнинг асосан тўғридан-тўғри капитал капиталлар кўринишида республика иқтисодиётига кенг жалб қилиниши учун ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа зарур шароитларни яратиш, қўшма корхоналар ташкил этилишига кўмаклашиш, шунингдек инвесторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

- хорижий кредитлардан, экспорт қилишдан олинган валюта маблағларидан чет элдан ҳаёт учун муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар ҳамда қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишловчи, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш учун технологик асбоб-ускуналар сотиб олишда биринчи навбатда фойдаланиш;

- ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи қонунларни яратиш;

- дипломатия иши учун, шунингдек халқаро ҳуқуқ ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасида, банк тизимида ва бошқа янги ташкил этилаётган тузилмалар учун малакали мутахассислар тайёрлаш;

- халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар - Халқаро валюта фондига, Халқаро қайта тиклаш ва ривожлантириш банкига, Осиё тараққиёт банкига аъзо бўлиш, Тарифлар ва Савдо бўйича Бош битим, Европа Иқтисодий Ҳамжамияти ва бошқа ташкилотлар билан алоқалар ўрнатишга доир ташкилий тадбирларни ўтказиш;

- ташқи иқтисодий фаолият тармоқлари мажмуини - ихтисослаштирилган ташқи савдо, лизинг, консалтинг ва суғурта фирмаларини, ташқи алоқаларни ривожлантириш манфаатлари ва шартларига жавоб берадиган транспорт, алоқа ва коммуникациялар тизимларини вужудга келтириш;

- патент-лицензия ишлари тизимини йўлга қўйиш, республика фуқаролари ва юридик шахсларининг маънавий мулкани ҳимоя қилиш учун халқаро битимларга қўшилиш, маҳсулотни стандартлаш ва сертификациялаш халқаро тизимига изчиллик билан ўтишни ташкил қилиш.

